

Якин кишингни ёмонлашдан огир гунох йўк. Биз, масалан, кўчада кетаётган бирон кишини кўрамиз-у, дарров унинг каёкка ва нима максатда кетаётганини фахмлагандай бўламиз; агар у ўй сурса, нияти нима эканлигини сезгандай бўламиз ва нима киларкан-а, ишга тумшук тикиб, деб ўша захоти уни гийбат кила бошлаймиз, ўзи бемаъни одам бўлатуриб шу килаётган иши инсофданмикин, деб маломат киламиз, шўрликнинг бошига таъналар ёгдириб, уни хатто тушига хам кирмаган, хаёлига хам келмаган ножўя гунохларга кўмиб ташлаймиз.

Лекин шундай килишимиз яхшими, ахир? Ё, ўзгалар килмишини назорат кил, деб гойибдан нидо келганми бизга? Келинлар, яхшиси, ўзлимизни билайлик, бошқалар тўгрисида бирон нима эшитгудек, ёки кўргудек бўлсак, эшитмагандай, кўрмагандай бўлайлик, нимагаки, баъзида хаммининг огзида, палончи ундай килибди, пистончи бундай дебди, деган миш-мишлар таркалади; буни биров бош-ка бировдан эшитган, унга эса яна бошка бир киши, ўз кўзи билан кўрганлигини айтган бўлади...

Холбуки, яхшилаб суриштириб каралса, ўша гийбатга учраган одам фукаро манфаатини кўзлаб шундай ишга кўл ургани маълум бўлади; бордию бу килмиши билан кимгадир зиён етказган бўлса, аксар пайт шубха килинаётган одам эмас, балки ҳеч кимнинг хаёлига хам келмаган мутлако бошка одам айбдор бўлиб чиқади.

Мана шу зайлда бир хокисор одам бадният, гунохкор кишининг ўрнига жавобгарликка тортилган эдики, агарда бир киз елиб-югуриб уни бандиликдан куткариб колмаганида, бечора адои тамом бўлган бўларди. Ха, бу “бало” киз эди! Отаси Трофим Макуха уни жуда хурмат киларди, сабабки Ивге (кизнинг исми шундай эди) бир сўз айтса, юзта кампир хам уни ниятидан кайтара олмасди. Хуллас, унинг айтган сўзи – отилган ўк эди. Кекса Макуха барча рўзгор ишларини кизига топшириб кўйиб халоватда яшарди. Чунки Ивга аклу фаросатда, топкирик, тежамкорлик, уддабуронликда тенги йўк киз эди. Унга бирон кўзлаган ниятининг учини чикарсанг бўлди – шу захоти у каерга ва нима учун канча маблағ сарфлашликни хисоблаб берарди. Агар Макуха бирон янги ишни кўзлаб, кизидан маслаҳат сўрагудек бўлса, Ивга отасига факат фойдали маслаҳат берарди. Шунинг учун хам Макуханинг бутун хўжалик ишлари бошқаларникидан пухтарок ва яхшироқ эди. Макуха уйланганидан кейин, хотинининг гапига кириб, галлакорлик амалини ташлаган ва тижорат билан шугуллана бошлаган эди. У катрон, туз билан, баъзида эса галла билан, дуч келган бошка моллар билан хам савдо киларди. Шу билан бирга, у майхонасини хам ёпмади, лекин майхонаси энди хамма учун эмас, балки факат ўтган-кетган мусофир одамлар учун хизмат киларди. Унинг яна карвонсаройи хам бор эди – турган гапки, карвонсаройда хамма нарса мухайё бўлиши керак эди, сабабки, извошчиларнинг, аравакашларнинг талаблари огизларидан чикмасдан тайёрлаб берилиши лозим эди, ана шулардагина карвонсарой даромад келтириши мумкин эди.

Агарда хўжалик ишларини Трофим Макуханинг ўзи бошқарганида борми, орадан сал вақт ўтар-ўтмас унинг “улкан хонадон”и хам, мусофир ошёнига айланган, ховлисидаги сули ва бошка галлалар билан, шунингдек, турфа хил унлар билан тўлдирилган омборларига ўргимчаклар уя куриб ташлаган бўларди. Айтмоқчиманки, агарда у хўжалик ишларини ўзи бошқарганида бутун бойлигидан мосуво бўлган ва икки кўлини бурнига тикиб колган бўларди, чунки шунака... “аммамнинг бузоги” эди у... хай, барчаси худонинг панохига! У нимани қачон ва қай тарзда тайёрлаш лозимлигини унча

билолмасди; бунака одамлар хакида эл огзида шундай таъбир юради: у иситилган уйидан ташкарига чикканида, бу ерда исикнинг нима хожати бор, деб эшикни ёпмасди. Тушунмайдики, печка билан иситилган уй хам, агар эшик ёпилмаса совиб колиши мумкин. Полизда бир гарам пичанни, омборида ўн чорак сулиси бўлса, шу ем-хашакнинг ўзи ўн йилга етади деб, бошка хеч ниманинг ташвишини килмай, кўл ковуштириб ўтираверади. Ана шунда отасининг бундай кайфиятини кўрган Ивга ўзини ўтга-чўкка урганча, бировни у ёкка жўнатади, бошкани бу ёкка гизиллатади, ўзи югуриб елади, ниманидир харид килади, ниманидир карзга олади, кимнидир ёллади, ким биландир байлашади – шунинг учун хамма иши пишик, хамма нарсаси мухайё. Айтмокчиманки, Макуха кизи Ивганинг бундай саришталиги туфайли доимо халоватда яшарди!

Яна шуни хам айтиб ўтишим жоизки, агар Макуха хўжаликни ўз ўгли Тимоха билан бошкарадиган бўлса, тирикчилиги аранг ўтишига хам кўзи етмасди. Тимоха ана шунака “кўли гул” йигит эди! Агар хўжаликни у бошкарганида, бутун молу давлатлари совурилиб кетиши мукаррар эди. Тимоха чапани ва олифта йигит эди: бошининг кок чўккисида кокил ўстирар, мўйловини гажак килиб бурар, хеч қачон чакмон киймас, доим хитой мўйнасидан тикилган бежирим чопон кийиб юрарди; белбоглари бири биридан чиройли; бегим кунлари киядиган калпоги бошка, байрамларда киядигани бошка, аммо бири биридан чўккирок; кийган этигидан бошка яна бир жуфт этиги доим катронга бўктириб кўйилган бўларди – кўнгли хохлаганча олифтагарчилик килиши учун; этикларининг бир жуфти баланд пошнади, иккинчи жуфти миҳ пошнади эди. Кани, айтинг-чи, ким кўчадан баралла бакириб кўшик айтиб ўтади, ким ковокхонада улфатларнинг “гули” бўлади, ким майхонада идишларни чил-чил синдиради, ким ўн киши ичадиган ичкиликни ичиб маст бўлмайди? Факат Тимоха Макушшенко-да! Кизлар кимдан ўзларини олиб қочишади, майхона хўжайини кимдан беркиниб олади? Кимдан бўларди, факат Тимоха Макушшенкодан, албатта Ха, унинг кўлидан хар қандай ёвузлик хам келарди! Захарига ичиб олиб, дуч келган одам билан муштлашар, кизларни алдарди; карта ўйнаган пайтларида хаммининг пулини йигиб олиб, уларни майхонама-майхона судрар, кизларнинг ўтиришларига олиб борарди. У бўлис мирзаси билан калин дўст эди, икковлари тил бириктириб, нима балонидир кўзлаб юришарди... Бу иллатлар етмагандай, у яна учига чиккан ўгри хам эди. Ивга доим акасидан хамма молу пулларини эхтиёт киларди. Тимоха кўзи тушган нарсани ўмармай кўймасди. Лекин отаси унинг гапини икки килмас, нима сўраса, хаммасини гап кайтармай бераверарди, чунки Макуха ўглини жонидан ортик яхши кўрар, папалаб эркалар, хамма сўраган нарсасини бериб кўнглини кўтарарди – ахир у ёлғиз ўгил эди-да. Шунинг учун, отаси, майли, ёшлигида тўйиб-тўйиб ўйнаб олсин, кейин, отамнинг багрида роса мирикиб рохатда-фарогатда яшаганман, деб эслаб юрар, дерди. Шундай пайтлар хам бўларди-ки, Ивга отаси билан тортишиб, акасига хеч нима бердирмасди, ўглингизни жудаям талтайтириб юбордингиз, деб отасини уришиб берарди. Шунака пайтда Макуха ўглига пул беришдан воз кечса хам, барибир, кейин ими-жимиди сўраган пулини берарди.

Тимоха ота хузурида мирикиб ўйнаб-кулар, кўнглига сикканча бевошлик килар, гарчи унинг гирт ишёкмас такасалтанг эканлигини хамма кўрса, кишлокда бўладиган барча тартибсизликларнинг сабабчиси у эканини хамма билса хам, хеч ким унга карши гинг деб огиз оча олмас, хеч ким уни безорилик килишига каршилиқ кўрсатаолмас, хеч ким унинг устидан маъмурларга шикоят килишга ботина олмас эди, сабабки, у бойнинг ўгли – бойвачча эди... Зеро, кишлокларда хам хакикат худди шаҳардагидек эди: хамма ерда бойлар кўнглига сиккан бемаънилиқларни килишлари мумкин эди. Кайтага, бошқалар

хам, баъзи-баъзида уларнинг хурмача киликларига таклид кила бошлардилар. Гарчи Тимоханинг барча беадабликларидан бохабар бўлган, уни кузатувчи одам бўлса хам, Тимохага тўскинлик килишга ҳақки йўқ эди унинг. Бу одам Макуханинг асранди ўгли Левко эди. Трофимнинг раҳматли хотини Горпина бир куни еттита гўдакнинг хам отаси, хам онаси ўлиб, етим колишганини ва уларни одамлар ўзларига бола килиб олишаётганини эшитиб, у хам бир ёшли чакалокни, яъни мана шу Левкони ўзига ўгил килиб олган эди.

Левко етим бўлса хам Макуханинг уида яхши яшади: уни ювиб- тарашар, яхши кийинтиришар, хар якшанбада эгнига оппок кўйлак кийдириб, юмшок ок бўлка беришарди, у оёғига кишда этик, эгнига анча тутилган бўлса хам пўстинча киярди. Горпина жуда меҳрибон ва художўй аёл эди, кашшоклардан ҳеч нимани аямасди. Нафакат ўз кишлогигади, шунингдек, бошка ерли кашшоклар хам унинг олдига худди ўз оналари пинжига келгандек келаверишарди: Горпина уларнинг бирига пул садака килса, бошкасига ок бўлка, яна бирига рўмолча такдим килар, хуллас, ҳеч кимни курук кайтармасди. Кискаси, у гўдак етимчани кўлига олганидан бошлаб, уни жонидан ортик яхши кўриб, меҳр кўйган эди. Сабаби, Ўгли Тимоха бу болани ёмон кўрар, боз устига, Левкодан икки ёшча катта бўлгани учун, доим турткилар, калтаклаб безор киларди. Бола Тимоха устидан Горпинага шикоят килар, Тимоха бўлса отасига шикоят киларди – окибатда чол яна Левкони калтаклашга тушарди; кампир Левконинг ёнини олиб, тўнгиллаганича чолини койиб берарди. Эри канчалик жохил бўлмасин, хотинига гап кайтаришга журъат этолмасди, аммо Левкони учратиб колса, айби бўлса-бўлмаса, уни дўппослар ва Горпинага шикоят килишини ман килиб кўярди. Трофимдан бола шунака юрак олдириб кўйган эдики, у бир ўкрайиб караса, кўркканидан бутун вужуди титраб-кақшай бошларди. У нафакат чолдан, шунингдек, Тимохадан хам, тагин мени урмасин ё отасига чакиб бермасин, деб кўркиб турарди. Ўзи туфайли чол-кампирнинг тез-тез жикиллашиб туришини кўрган Левко, кўпинча Горпинага шикоят килишдан ўзини тияр ва бошига тушган азоб-укубатлар тўгрисида факат Ивгага ёриларди. Ивга ундан беш ёш ёшроқ эди, шу боис, йигитнинг кўнглини кўтариш учун ҳеч нима кила олмас ва ўтирволиб у билан бирга йиглашарди.

Горпина уйда тўла хуқуқли бека эди, хамма ишлар унинг фармойиши бўйича амалга ошириларди. У эрининг феълини билар, шунинг учун уни ҳеч қандай хўжалик ишига аралаштирмасди. То Ивга катта киз бўлиб колгунича. Горпина Левкони иш бошқаришга ўргата бошлади. Кейин у кизида хўжалик ишларини юритишга лаёқати борлигини кўриб, унга ўзининг уйдаги вазифаларини ўргата бошлади. Ивгага қайси нарсани қачон, қаердан топиб, гамлаш кераклигини, карвонсаройга келиб турувчиларнинг хамиша факат шу ерга кўниб ўтишлари учун улар билан қандай муомала килишни тушунтирди. Хамма казнок ва омборларнинг калитларини у Ивга билан Левкога топширди; дон-дун борми, ем-хашак борми, жамики рўзгор ва хўжалик буюмлари энди шу икковининг кўлида эди; сармоя хам, барча хисоб-китоб ишлари хам Ивга билан Левконинг ихтиёрида эди, Горпина уларга факат йўл-йўрик кўрсатиб турарди. У ўгли Тимохани хам хўжалик ишларини бошқаришга ўргатмокчи бўлди-ю, лекин унинг худодан кўркмай, харидорларни хам пулдан, хам тароздан ура бошлаганини, доим маст-аласт юриб, одамлар билан муштлашгани чоғланганини, баъзида эса уларнинг пулини хам ўмарганини кўриб, бу ниятидан воз кечди. Зеро, у карвонсарой шаънига доғ тушириши мумкин эди. Агар бунинг олди олинмаса, одамлар бу даргоҳга келишдан қадамларини узган хам бўлардиларки, Горпина бу ахволни кўриб, ўглига эрк бермай кўйди, вақти казоси

етганда эса, бутун хўжалик ишларини кизининг ихтиёрига топширди ва хамма сохада муфассал йўл-йўриklar кўрсатди. Левкони эса, бутун оила аъзолари химоясига топшириб, уни хеч нимадан камситмасликни, кўнглини огритиб хафа килмасликни ва башарти, агар унинг ўзи ўз хўжалигига эга бўлишни хохлагудек бўлса, хошишига монелик килмасликни васият килди: “Сен, кизим, унинг янги рўзгор килишида кўмаклаш, хамма керакли буюмлар билан таъминла, ўзинг биласан, Левконинг кўп ёрдами тегди бизга, унинг шарофати билан анча-мунча даромад килдик, – сен унинг шу килган яхшилигига яраша, ўзинг хам яхшилик кил. Борди-ю, агар бир-биринглардан ажралмай, турмуш кургудек бўлсанглар, нур устига аъло нур. Эру хотин – кўш хўкиз бўлиб, рўзгорни тебрата-сизлар, отангни ташвишга солиб кўймайсизлар! Аммо-лекин Тимохага эрк бера кўрманглар, йўкса у сени хам, кизим, тўккиз пулга сотиб юборади, отангни хам киморга бой бериб ичади, бутун молу давлатимизни елга совуради”.

Она ўлганидан кейин, Ивга бутун хўжаликни ўзи бошқаришга киришди, отасининг ўзбошимчалик килиб пул сарфлашига йўл кўймади. Олди-сотдидан тушган пулларни у отасига топширар, лекин унинг феълини яхши билгани учун, менинг маслахатимсиз хеч бир нарсага бебилискага пул сарфламанг, деб каттик тайинлаб турарди. Ота хам худди илгари хотинининг амрига итоат этгандай, кизининг гапига хам кулок солар эди. Кария ўгли Тимохани яхши кўрар, доим уни папалагани-папалаган эди, у пул сўраганида хеч йўк деяолмасди, аммо Ивга отасига бундай килишни такиклаб кўйган эди ва Тимоха учун хар ойда канчадан пул бериб туришни белгилаб берган эди. Ота хам унга бўйсунарди... Лекин Тимоха олган пул канчага етарди, дейсиз! Пул кўлига тушган захоти, уни арок ичиб, ё бўлмаса, маишат килиб куритар, кейин то янги ой бошлангунча илхак бўлиб, тишининг кирини сўриб юрарди. Окибатда, нукул Левкога захрини сочгари-сочган эди, чунки, у асранди ўгил бўлса хам, хамма ишда бош-кош-у. Тимоха ота ўгли бўлатуриб, хеч нарсага хаки йўк эди. Шунинг учун хамма бало шу Левконинг касрига бўляпти деб ўйлаб, кунуззукун унинг устидан отасига гийбат килиб, кулогини пишитгани-пишитган эди. Трофим хам Левкони хар учратганида сўкиб, ўшкириб берарди, бечора Левконинг токати ток бўлар, пичок суягига етганди. Бу хонадондан, бош олиб кетарди-ю, лекин у Ивгани юрак-юрагидан севиб колганди, Ивга хам унга таскин бериб, мана, олдин акамни уйлантириб, рўзгорини бошка килайлик, отамни унинг карамогига топширайлик, кейин сен билан турмуш кураман, ана унда ўз рўзгоримиз бўлади, деб айтарди.

Шундай кун келишини интизор бўлиб кутган Левко Макуханинг зугумларига тишини тишига кўйиб чидар, ўз иши билан овуниб, оз-оздан пул жамгарарди. У Тимоханинг кингир ишларини кўрмасликка канча уринмасин, барибир, унинг таралабедод айш килиб, маст бўлиб одамлар билан муштлашиб юрганини, айникса, кандайдир огир бир жиноят килиб кўйиб, ошнаси – бўлис мирзаси ёрдамида айбини ёпти-ёпти килганини ва бу “яхши” лиги учун мирзани ўз синглисига катта сеп билан турмушга бермокчи бўлганини – тешик кулок эшитган, билган эди. Левко ана шу хақда отага гапиришга жазм килди. Хўш, нима бўлди шу билан? Макуха ишонмади, Левко ўглимни ёмон кўради, шунинг учун уни гийбат килляпти, деган карорга келди. Шунда Левко Тимоха томонидан пули шилинган ёки панд еган одамларни чолнинг олдига бошлаб келди, лекин Макуха, Левко ўглимга тухмат килиш учун, бу одамларнинг кулогини пишитган, деб хеч бир гапга ишонмади. Хўш, шундан кейин Левко нима хам кила оларди? Гунг бўлиб юраверди; холбуки, Тимоханинг кингир ишлари кун сайин болалаб борарди.

Левконинг кўнглини факат Ивга юпатар ва баъзи-баъзида шундай дерди: “Ўзимам, Левко, сезиб турибман, акамнинг каршисида сен хечам отам билан тотув яшолмайсан...

Бас, етар шунча чидаганим, айтаман отамга: мени сенга турмушга берсин, онаминг васиятига кўра. Фахмимча, отам кайтага хурсанд бўлади мени чикариб юборганидан, негаки ўшанда Тимоха билан бемаънилигини килиш учун имкон тугилади. Отам тўйимизни ҳам килиб беради, менинг сепларим солинган сандикниям, онам тўйимга атаб хозирлаган кўрпа-ёстикларниям беради, лекин бир тийин пул бермайди; холбуки, ҳамма жамгарилган пулни, аслида, сен билан икковимиз топганмиз – бу ҳақда ўйламайди ҳам. Вой, у шунака курумсокки... Биласан-ку, у ўзи ётадиган мехмонхонага ҳеч кимни киритмайди, хонанинг калитини ҳам ҳеч кимга ишонмайди, факат жуда ночор ахволга тушгандагина менга беради. Пул сакланадиган сандикнинг калитини-ку, хатто менга ҳам ҳеч қачон ишонмаган. Унга пул берганимда кўраман, сандигида пули жарак-жарак, лекин бизга у пулдан ҳеч нима насиб қилмайди. Ахир пулимиз бўлмаса қандай рўзгор тебратамиз? Ишни нимадан бошлаб, қайси пулимизни муомалага кўямиз? Тўгри, бироз вақтдан кейин, худо хохласа, ўзимизни ўнглаб олардик ҳам: яхши одамлар кўп, улар отамдан кўра бизни кўпроқ танишади, уларга мурожаат қилсак, албатта, ёрдам беришади, факат ишни бошлашга ҳеч вақомиз йўқ. Сен, пулим бор, деб айтувдинг. Каерда у?

– Э, нима бўларди менинг пулим, – деди Левко ва юраги бир орзикиб тушди. У пулини бўлиб-бўлиб, арпа, катрон ва бошқа нарсалар харид қилиш учун бир одамга ишониб берган эди. Лекин шундан бери ўша одамни ҳам, пулини ҳам бошқа кўрмади. Шунинг учун ҳам Ивга берган саволдан кўнгли гаш бўлиб шундай деди: – Озгина пул! Айтишгаям арзимайди! Фоизи билан кўшганда эллик сўмча келади. Нима ҳам қила олардик бу пул билан?

– Дастлабки пайтда шунинг ўзи ҳам анча ишга яраб қоларди. Иложимиз қанча? Рўзгоримизга зарур бўлган нарсаларнинг бир қисмини пулга, қолганини қарзга олиб турардик, шу тарика ўзимизнинг қарвонсаройимизни очишимиз мумкин. Худонинг паноҳида аста-секин хўжалигимизни ўнглаб олардик. Сен бориб, одамлардан қарзингни талаб қил, кейин ишни бошлаб юборамиз.

Ивга шундай деб Левкони бир неча марта қарзини ундиришга юборди. Лекин йигит, қарзни бир ҳафтадан кейин, ё икки ҳафтадан кейин берадиган бўлишди, деб қелиб Ивгага ёлгон сўзлашга мажбур бўларди. ... Иложи қанча? Агар Ивга унинг пулни қандай сарфлаганини билса, қойиб берарди-да, албатта...

Бир куни Ивга Левкога деди: – Отам уйда йўқ, кечкурун қайтади. Мен сен билан бўлажак ишимиз хақида ими-жимиди гаплашиб олишим керак. Мана бу отам ётадиган хонанинг калити. Ўша ерда мени кутиб тур. Мен бир зумгагина кўшни хотинниқига чиқиб, икки оғиз гапим бор, шуни айтиб қайтаман. Кейин иккаламиз эртадан кейин никоҳдан ўтиш тадоригини кўрамиз. Қарвонсаройда ҳам, уйда ҳам бегона одамлар кўп, сен билан маслахатлашиб олгани бошқа жой йўқ. Ўтинаман сендан, ўша ерда жимгина ўтириб тур, зинҳор отамнинг сандигига яқинлаша кўрма: у хар балодан гумонсирайверади, қаерга нима қўйганини билади, пулини ўгри уриб кетишидан кўркади...

Левко Ивга айтганидек иш тутди. Қиладиган ишларини битириб, Макуханинг хонасига йўл олди.

Эх, Ивга, Ивга! Элакка чиккан хотиннинг эллик оғиз сўзи бор, деганларидек мунча узок қолиб кетмасанг? Нима иш билан чиккан эдинг ўзи кўшниниқига? Сен у ёқдалигингда уйингда нималар бўлганини биласанми? Тезроқ кел, ўз кўзинг билан кўр!

Кекса Макуха бугун уйга қутилмаганда эртароқ қайтди, бунинг устига, пича қайфи ҳам бор эди. Бу ҳолни кўрган Тимоха, хозир ундан бир нима ундириш осонроқ бўлади, деб

ўйлаб, пешвоз чикиб дадажонини карши олди ва атрофида парвона бўлиб, ундан пул сўрай бошлади. Олдинига у беш сўлкавой сўраган эди – отаси уни кўкрагидан итариб юборди: кейин уч чўлкавой сўради – отаси уни жеркиб берди; факат бир сўлкавой сўраган эди – ота пўнгиллаб, хатто ярим сўлкавой хам бермайман, деди, Тимоха хамон отасининг оёгига йикилиб тиланчилик килаверди. Отасининг ахири унга раҳми келди ва майли чорак сўлкавой берарман, деди-да, ўз хонаси томон йўл олди. Хонанинг кулфи очилган эди.

– Кўрдингми,– деди ота ўглига,– уйда Ивга бор экан! Олдин у чикиб кетсин, кейин бераман пулни; ўзинг биласан синглингнинг феълини, сенга пул беришимни ёктирмайди, нукул пўнгиллагани-пўнгиллаган.

– Кўяверинг, дада!– деди шунда Тимоха.– Агар пўнгилласа, ўзига хам ялиниб кўраман. Юраколинг.

Улар эшикни очиб ичкари киришди... Ё худоё тавба! Бу нима ўзи? Макуханинг сандиги очилган, бузилган кулф ерда ётибди... сандик тепасида... Левко турибди! Афтига караб, бу Левкоми ё унга ўхшаш бошка одамми, деб ўйлайсан!.. Унинг ранги докадек окариб, кўзлари ич-ичига ботиб кетган... Бир кўлида пул тўла хамён, иккинчи кўлида – бир сиким сўлкавойлар... Чамаси, бу унинг сандикдан биринчи марта пул олиши эмасга ўхшайди, чунки хамма ёкда, ерда сўлкавойлар сочилиб ётарди. Афтидан, шошган бўлса керак, копчикдаги пуллар сочилиб кетган...

Макуха буни кўрдию икки кафти билан этагини шапатилаб бакириб юборди: “Ие, сен нима килиб турибсан бу ерда?” Левко эса, худди безгаги кўзигандай, афти тамоман ўзгариб кетди, даг-даг калтираркан зўрга тили калимага келди: “Мен, амаки... балки... мен эмас...” – “Сен эмасмисан, ўгри?.. Сен эмасмисан?.. Ушланглар уни! Йигитларни чакир бу ёкка!” – Шу захоти Тимоха карвонсаройдаги одамларни чакириб келди...

– Ушланглар уни... Оёк-кўлини боғланглар бу ўгрини!– деб бакира бошлади хамма.

Бечора Левкони махкам ушлашиб, дархол белбоғлар билан кўлларини хам боғлашди, тагин кочиб кетмасин, деб оёқларини хам тушовлашди. Кейин уни бўлис махкамасига судраб олиб кетишди: олти киши уни икки ёгидан махкам ушлаб олган, яна ўнтача одам – ким таёк, ким катта козик, ким косов билан билан куролланиб, Левкони худди аристон одамдай, атрофини ўраб кузатиб борарди.

Шўрлик Левко-чи? У нима хам кила оларди? Турган гапки, каршилиқ хам кўрсата олмай бир огиз сўз хам айтолмай, судраган ерларига борарди, унинг бўйнига бузилган кулф осилган, узун чўпга у ўгирлаган,– буни хамма кўрган,– худди никоҳ тўйида келиннинг сарпосини илишгандай пулнинг копчиги илинганди. Бу кулф билан копчик у килган жиноятнинг далилий ашёлари эди. Оломон хали дарвозадан кўчага чикиб улгурмасидан, зумда тумонат одам йигилди... Худди тўйхонага келгандек. Ана шунда гийбатчи хотинларнинг ови юрди! Левкони тутиб кетаётган оломон ўн кадамча хам босишга улгурмай, кўшни хотин кўшнисига бир дунё миш-мишни тўкиб айтиб ташлади: Макуханинг асранди ўгли бор-у – Левко, ўша ухлаб ётган отасининг тепасига келиб, уни сўймокчи бўлган экан, яхшиям, устига Тимоха келиб қолиб, отасини бир ўлимдан асраб қолибди. Вой, у безори Тимоханинг бикинига икки марта, бўғзига бир марта пичок тортиб юборган бўлса хам, шунга карамай, Макушенко Левкодан зўр чикиб, уни боғлабди, бакириб, одамларни ёрдамга чакирибди... бир зумда етиб келган одамлар Левкони кўлга олишибди...

О, одамлар, Левкони то бўлис махкамасига олиб боришгунча, хали бунака миш-мишларнинг яна канчаси ёйиларкин бутун кишлокка?..

Оломон борган сари кўпайиб, кишлокнинг тор-тор кўчаларига сигмай колди. Бу ҳам етмагандай, тўдага болалар ҳам келиб кўшилишди. Улар оломон оркасидан эргашарканлар, аристоннинг олдига югуриб келиб, уни: “Ўгри!... Карокчи!.. Чўз сўлкавойдан бизгаям... Эй, ўз отасининг пулини ўгирлаган ўгри!..” деб ва яна шунга ўхшаш сўзлар билан тахкирлай бошладилар.

Бу хакорату мазахларга қандай чидасин Левко? Энди ким деган одам бўлди у? У оломон куршовида бораркан кўзи ҳеч нарсани кўрмас, факат одамларнинг масхараловчи сўзларини, каргишлари, сўкишларини, таънаю маломатларини эшитарди... У кетатуриб кўзини осмонга тикар, огир хўрсинар ва ўзига ўзи: “Ё рахмдил эгам! Шу менманми? Менга нима бўлди ўзи?” – дерди. Баъзида у, ўзимга якин бирон одамни кўриб колармикинман, деган ният билан одамларга кўз ташларди...

Бу шовкин-суронни эшитган Ивга кўшникидан югуриб чиқди ва бошига не савдо тушганини билмай, одамлардан, кимни тутиб олишибди, деб суриштира бошлади. Хозиржавоб кўшни хотинлар шу захоти нима бўлганини унга ўзлари бичиб-тўкиганча сўзлаб беришди, буни эшитиб, Ивга ўзини йўкотиб кўяёзди... Ранги докадай оқариб, даг-даг калтирай бошлади, агар кўшни ушлаб колмаганида йикилиб ҳам тушарди. У Ивгага, сенга кўз теккан, тезрок табибга олиб борай – ёмон кўздан асраб дам солиб кўйсин, деди.

Э, севган кайлигининг бошига шундай мусибат тушган пайтда кўз тегишига бало борми? “Йўк,– деди Ивга,– йўк, айланай халоскоргинам, йўк, ўргилай холажон! Хозир менга табиб ёрдам килолмайди! Яхшиси, юринг, бўлис махкамасига борайлик, Левко нима килиб кўйган экан, эшитамиз, агар унинг шу килганлари рост бўлса, ўша ерда, унинг оёғи остига йикиламану ўламан!..”

Кишлок маъмурлари, худди асалга ёпишган пашшалардай, махкама сари шошилишди. Ахир маълум-ку, агар бирон кимсанинг бошига савдо, фалокат тушса, хакамларга ҳам даъвогардан, ҳам айбдордан бирон нима униши мукаррар, курук қолишмайди, албатта... Ахир улар – хакамлар! Бу ерда ҳам шундай бўлди: махкама сардори рахбар сифатида, столнинг тўрига ўтирди, унинг икки ёнидан кишлок оксоколлари жой олишди, столнинг этагига эса, сиёҳдон ва когоз билан куролланган бўлис мирзаси жойлашди. У аллақачон Тимоха билан пичирлашиб бир нималарни келишиб олган эди. Шу боис юзида табассум билан ўрнига келиб ўлтираркан, йўталиб-йўталиб кўйиб, когозга нукул: “Паткалам билан сиёх синовии...” – деб ёзарди. Ёзиб туриб бу ерга тўпланган одамларга караб-караб кўярди, одми ки-йинганларга-ку, эътибор ҳам бермасди, нукул мовут чакмон кийганлар билан кўз уриштириб, худди кўзи каймоқка тушган мушукдай тамшаниб кўярди.

Сардор, ўгрини обкиринглар, деб буюрди. Сўнг қария Макухани ёнига чакириб олиб, нима бўлганини сўради. Макуха ҳамма бўлган гапни – хонага кириб, Левкони кўлида пул чангаллаган холда сандик олдида турганини сўзлаб берди. Левко бир нима демокчи бўлиб, огиз жуфтлаган эди, лекин сардор унинг огзига уриб ўдагайлаб берди: “Менинг олдимда сен гинг дея кўрма! Биласанми, мен кимман? Мен сардорман, сардор сенинг гапингни эшитганимас, жазога торт-гани келган. Гувохлар борми?” – деб сўради у Макухадан, бу ерга тўпланган жамоа томонга караб. Йигирматача одам Левкони кўлида пул билан турганига, шунинг-чун уни хибсга олишганига гувохлик берди... “Вассалом, иш тамом!”– деди сардор стол ортидан тураркан. Бошка оксоколлар ҳам унга эргашиб ўринларидан туришаркан: “Ана холос, буни каранг-а!”– деб кўйишди.

– Мирза!– деди сардор амирона буйрук бераркан,– сен гувохларни рўйхатга ол, хаммаларига бармоқ бостир, кейин тезда судга хабарнома ёз. Бизлар бўлсак,

Макуханикига бориб, тергов ўтказамиз. Мен сенларга аввалги сардорларинг Евдоким эмасман. Мен тартибни биламан ва хурмат киламан.

Кейин юзбоши ва ўнбошиларга караб, ўз фармонининг хар бир моддасини бармоги билан кўрсатганча деди: “Кулогингизга куйиб олинг: хозирнинг ўзида уйма-уй юриб, товук, тухум ва бошка керакли егуликларни мухайё килинглар. Биласизларми, хали бу ерга суд хайъати келади тергов ўтказгани. Ким билсин, балки икки-уч кун туриб колишар, шунинг-чун хамма нарса етарли бўлсин... Кани, кетдик, бошла бизни уйингга Трофим Федорович”.

Кишлокларда тергов кандай ўтказилишини билган кария Макуха огир хўрсиниб афтини буруштирди. Начора, йўл бошламай иложи йўк эди. Аммо шу пайт мирза сардорни йўлдан тўхтатиб:

– Пан сардор, жиноятчини сўрок килиш керакдир, балки? – деб сўради.

– Нима, сўрок килиб ўтираманми бошимни огритиб? Ўзинг кўрмаяпсанми? Бўйнига бузилган кулф билан пул халтаси осилган-ку...

– Ха, бу гапингиз тўгрику-я,– деди мирза энсасини кашиб...– Гунохкорлиги оппа-ойдин, лекин шундай бўлса хам, ўзининг айбига икрор бўлгани хакида далолатнома керак-да...

– Сен уни таёк билан уриб чалажон килсанг хам, икрор бўлмайди айбига. Нима бало, сен эсингдан айрилганмисан, кўлинг шол бўлиб колганми? Ўзинг ёзиб, ишга тикиб кўявер-да. Мен тартибни ёктираман.

– Шунингдек, айбдорнинг шахсий икрорини хам кўшиш керак-да, ишга. Ўзингиз биласиз, жаноблари... йўг-е, жаноби олийлари хамиша ишни кўришда энг олдин, айбдорни шахсан сўрок килардилар...

– Буни ўзим хам биламан,– деди сардор.– Менга акл ўргатма: ишдан олиб ташланган Евдоким эмасман мен сенга. Айтганимни кил. Шахсий икрор менда, аристонни совукхонага ташла, хабарномани тезрок судга юбор...

– Канча ўмарган экан Левко? Сиз, пан сардор, бу ҳақда сўрамадингиз хам...

– Кўпрок ёзавер. Майли.... икки юз сўм деб ёз... Нимасини аяйсан ўша Левконинг? Ахир у ўгри, муттахам-ку! Колаверса, Макухага ҳеч ачинмайман. Ким бўлибди у, аяб нима киламиз? Йўколган бўлса, унинг пули йўколган, бизникимас. Кани, кетдик, пан хакамлар! Макухага жиноят содир бўлган ерда айтаман хамма гапимни: нимасини, канчадан, кимга, кандай килиб... дегандай.

Унинг бу гапи маъносига тушунган Макуха, яна энсасини каттик-каттик кашилаб бошлади, шундай бўлса хам хакамларни уйига бошлади... Сардор ҳаммадан олдинда йўгон бир таёкка таяниб, худди хода ютгандай гўдаиб, ковогидан кор ёғиб борар, хакамлар эса, ўзларининг доимий: “Ана холос, буни каранг-а!” сўзларини такрорлаганча сардорнинг оркасидан эргашдилар. Уларнинг кетидан Макуха ўз ўгли ва гувоҳ бўлган жамоа билан йўл олди; ўгли йўлга тушишдан олдин яна мирза билан пичирлашиб олганди. Колган оломон эса, Левко бўлис махкамасига олиб борилганидан кейин, лўлилар кишлокка етаклаб келган айикларни томоша килгани таркаб кетган эди...

– Махкамада ёлгиз ўзи колган мирзанинг дарров димоги шишиб кетди ва ўнгу сўлга буйрук бера бошлади:

– Хей, каёқдасизлар, ўнбошилар? Аристоннинг оёк-кўлига кишан солиб, совукхонага каманглар. Коровуллар хушёр туришсин! Хабарномани энди бугун юборолмаймиз, негаки, сардор хозир тергов ўтказяпти, тергов тугагач, навбати билан, ўша ерда кечлик килади, шунинг-чун имзо чекишга улгурмайди. О! У сенларга аввалги сардор эмас: у имзо чекишдан олдин далолатномани албатта ўкиб чикади. Ха, яхши, пан сардор,

чексанг чекавер имзоингни, унгача мен тайёрлаб кўяман хабарномани...

Мирза бошидаги кокилини кашиб олиб, хабарнома ёзишга энди киришган эди, хонага ўкдай отилиб кирган Ивга унинг оёгига йикилиб илтижо кила бошлайди:

– Жо-он акажоним Кондратич, шункорим! Хохлаган нарсангни сўра... Мана, маржонимни ол.... Мана, тилла такинчокларим, яна сени алохида хурсанд киламан... Факат рухсат бер, Левко билан юзма-юз гаплашиб, нима бўлганини сўраб билай: у бундай килмаган... Кандайдир хатолик юз берган... Факат сўраб кўраман...

Мирза, ўз одати бўйича томок кириб-кириб кўяркан, нукул мўйловини гажак килиб бурарди. Кейин ўрнидан туриб, хона ичида уёқдан-бу ёкка юра бошлади ва ниҳоят кўлларини белига тираганча гап бошлади:

– Евгения Трофимовна! Нима бало, сен, жонгинам ё жинни бўп колганмисан, ё аклдан озганмисан? Хали сен кизлик иффатингни, ёш умрингни, хусну жамолингни оёк ости килмокчимисан, бутун молу давлатингни ўша ўгри билан бирга шамолга совурмокчимисан? Унинг масаласи хал бўлган: ўлиги энди сургунда чирийди. Сен бу ҳақда ҳеч куйиб-пишма, ўзингни уринтирма хам, менга маржонинг-ни хам, тилла такинчокларингни хам берма; ўзингни бер менга бутун бойлигингга кўшиб. Мен кобилиятли йигитман. Сенинг тилла такинчокларинг ва менинг лаёкатим ёрдамида земство суди маслахатчиси лавозимига эришаман. Сен уйимиз бекаси бўласан, мен тергов килиб, дунё орттираман. Калай, а? Йикканимиз ўзимизга хам етади, болаларимизга хам. Кўй, ўша карокчини! Мен уни Сибирга жўнатаман, кейин сен билан иккаламиз рохату фарогатда, халоватда умргузаронлик киламиз. Бугун кечаси мен уни шахарга жўнатаман. Эртага уйингга совчиларни юбораман, сен уларни сочиклар билан кутлайсан ...

– Илоё, сен яшшамагурни мирза килиб тайинлаганлар дўзах алангасида ёнсин! – деб Ивга бор овози билан бакириб берди унга.– Мен бўламан-у, Левкогинамни шу холича ташлаб кўяманми? Ахир онам рахматлик менга уни иззат килишни васият килганлар-ку! Шундок калбим суруридан воз кечиб сендек эл-юрт бошига битган зулукка кўнгили кўяйми? Чучварани хом санабсан! Агар Левкони Сибирга жўнатсанглар – мен хам бораман оркасидан! Хакикат излаб бўлмас экан сенлардан. Мен шахаргача бориб, суд килувчи мансабдорлар билан учрашаман; Левконинг унака одам эмаслигини, уни чалгитиб алдашганини хаммага гапириб бераман. Сен бўлсанг, менга уйланишни хаёлингга хам келтирма: совчиларинг уйимдан ковок кўлтиклаб кетишади.

– Ўша Левкоингни Сибирда чиритаман!– деб бакирди мирза.– Бор, йўкол кўзимдан ўша пора-мораларинг билан. Барибир, аканг розилик берган сенга уйланишимга, отанг хам рози бўлади хали... Кани, тегмаям кўр-чи! Йўк десанг, мажбур киламиз. Жўна, жўна!.. У шундай тахкиромуз гаплар билан Ивгани махкамадан хайдаб чикарди, кейин газаби кайнаганидан ўзини нима килишни билмай, ўтириб, тишларини гижирлатганча, хабарнома ёзишга киришди. У кокилини дам-бадам тутамлаганча, кийнала-кийнала Левкони Макуханинг очик сандиги тепасида пул чангаллаб турган ерида кўлга олингани хакида, яна “бундан ташкари унинг чўнтагида хам, кўйнида хам жами икки юз сўмдан ортиқрок пул бор эди, юкорида номи зикр этилган Леонтий яна хам кўпрок пул ўгирлаш ниятида бўлганига ўзи куйида номлари келтирилган гувоҳлар олдида икрор бўлди”, – деб ёзди. Шундан кейин у ушбу кишлокда истикомат килмайдиган нотаниш кишиларнинг номларини ёзиб, ўзи улар ўрнига имзо чекди, бармок босди-да, дархол сардор тергов олиб бораётган Макуханинг уйига жўнади. Бораркан, ўзича шундай мулохаза юритарди: “Хохламасмиш! Кўрамыз! Шу бугун кечасиёк хабарномани шахарга жўнатаман; судьялар

билан тил бириктириб, уни Сибирга сургун килдираман! Сени, барибир, аканг зўрлаб бўлса хам, менга хотин килиб беради... Хамма бойлигинг меники бўлади! О, бу кизнинг бойликлари бир дунё!”– Шундай хаёллар билан маст бўлиб, у Макуханикига кириб борди...

Хўш, бу ерда сардор гувоҳлар иштирокида кандай тергов олиб бораётган эди? Турган гапки, земство мансабдорларига ўхшаб-да! Даставвал сардор ва хакамлар кела солиб стол атрофига ўтиришди, Макуха шўрлик пайдар-пай далиллар келтира бошлади; далиллари – гоҳ ёвшан араги, гоҳ калампир араги бўлди, кейин навбат арпабодиён арагига келди – Ивга уни ўтган-кетган хурматли панлар учун асраб кўйган эди. Хаммасини бир томчи хам колдирмай ичиб тугатишди. Зиёфат пайтида улар гоҳ пичан ўрими хакида, гоҳ галла хосили хакида гаплашишаркан, кўриладиган бугунги иш тўғрисида ҳеч ким чурк этиб огиз очмади. Макуханинг оксочлари оёғи куйган товукдай шоша-пиша угра кесишар, вареник2тугишар, сўйилган товукларнинг патини юлишарди, яна улар Ивга бўрдокига бокаётган иккита гозни хам инидан тортиб сўйишди... Ха, у шўрликларнинг хам куни битганди! Ўзиям зиёфатмисан, зиёфат бўлди! Уй бекаси бўлмиш Ивгадан эса ҳеч ким ҳеч нима сўрамади хам. У янги курилган бўм-бўш хонага кириб олиб, Левкони кисматига ва ўз бошига тушган бу огир мусибатга чидай олмай, хўнг-хўнг йиглай бошлади... кўз олди коронгилашди!..

– Тимоханинг-ку, бити тўкилди! У хаммани мехмон киларкан, биринчи навбатда ўзини сийларди. Мехмонлар билан ичишаркан, нукул Левкони сўкар ва у бечора хаёлига хам келтирмаган айбларни устига ағдарарди.

Мирза бу ерга югуриб кириб келганида кечки зиёфат авжида бўлиб, хали сариегга булганиб, каймокка ботирилган вареникларга навбат келмаган эди.

– Пан сардор билан хакамлар шу ердами? Нахотки тергов тугаган бўлса?– деб сўради мирза; сардор унга дагдага билан жавоб килди:

– Тугадими, ҳукм хам чиқарилди. Нима, сен ярамасни кутиб ўтирармидик? Мен аввалги сардор Евдоким эмасман, деб сенга айтганман хам, тайинлаганман хам: мен раҳбар бўлган ерда иш кайнаши, хамма ишда адолат бўлиши керак. Хўш, нималарни ёздинг шу ярим кечагача, нима обкелдинг? Балки хали бу кораламасидир? Мана, хозир тамадди килиб олай, кўриб чиқаман, бир лахзада хатоларингни топаман. Ўтир, диёнатли кишиларнинг кечлик килишига халал берма.

Пан сардор гапга киришиши билан, пан мирза зумда арпабодиён арагидан хам татиб кўрди, калампир арақдан хам ичишга улгурди, яна яримта товук гўштини хаш-паш дегунча ямламай ютворди; бир бўлак гоз гўштини оёғи билан бирга киссасига урди (у буни мактабда ўқиб юрганида ўрганган эди) сўнг вареникка хужумни бошлади. Шу зайлда у ичишда хам, ейишда хам ўзидан анча олдин келган балохўрларга етиб олди. У жуда олгир, абжир йигит эди! Шошалоқлик билан хам ичар, хам овкатларни ураркан, айна пайтда ўзининг мирзага хос одати бўйича томок кириб, йўталиб-йўталиб кўярди. Сардорнинг пин-гиллашига эса парво хам килмасди. Чунки у: “Акиллаган итдан кўркма”, деган коидани яхши биларди, яна у, кайси амалдор кўпрок кеккайса, кўпрок керилса, нукул тартиб ўрнатиш билан овора бўлса, у ҳеч нимани билмайди, билмаганидан, сенинг айтганингни килади, дерди. Бу пан сардор хам шундай амалдорлардан эди.

Хаммалари мирикиб ейишди, ичишди. Пан сардорнинг тили зўрга айланар, колган хакамлар билан гувоҳлар, гарчи дарров таёқларига таяниб олган бўлсалар хам, юрганда бинойидай гандиракларди. Пан сардор лаби-лунжини зўрга йигиб олиб, Макухага нон-намак учун миннатдорлик билдирди, Левкони килган айби учун бўралаб сўқди ва

эртага бу хакда судга хабарнома юборишга сўз берди. Пан мирза бўлса, охирги таом – сутли бўткани, томок кира-кира еб тугатаркан, арпабодиён араги куйилган хумчадан хеч кўзини узолмасди. Нукул, йўк, пан сардор, сиз айтгандай бўлмайди, дейишга уринаётгандай, хадеб мўйловини ликиллатарди. Нихоят, у хамма овкати еб бўлиб, газакка яна охирги кадахни ичди-да, сардорга деди:

– Каёкка кетяпсиз? Имзо чекмайсизми хабарномага. Ахир жуда мухим вокеа содир бўлди-ю, шу кечасиёк хабардор килишимиз керак...

– С-судними?– деб сўради сардор.

– Албатта, судни-да,– деб кичкирди унга мирза,– нима, эсингиздан чикдими, пан исправник*, хар битта юз берган вокеадан шахсан мени ва факат мени бохабар килиб туринглар, деб буюрмаганмидилар? Шундай деб туриб у пан сардорнинг олдига хабарномани ёзиб кўйди, чўнтагидан сиёхдон олиб, унинг кўлига пат калам тут-казди-да, деди: – Кўл кўйинг тезроқ. Вой, каёкка ёзьяпсиз? Ахир тескари ушладингиз-ку!

Сардор сал хушини йигиб олиб, когозни тўгри кўйди-да, ўз исмини харфма-харф битталаб айтганча имзо чекаркан, нукул тўнгилларди:

– Мен ёктирмайман тартибсизликни... Мен сизларга Евдоким эмасман... Ёлгон сўз билан лакиллатолмайсанлар мени!

Мирза имзо чекилган хабарномани сардорнинг кўл остидан юлкиб олди-да, гизиллатганча уйига жўнади, конверт устига “ўта мухим” деб ёзиб, уни шу захотиёк исправникка жўнатди. Пан сардор-ку, бир амаллаб уйига етиб олди, чунки уйи якин эди, колаверса, хали у бакуват эркак эди, илло колган хакамлару гувохлар, кай томонга бошлари огганини ўзлари хам билмадилар; уларни эрталаб хар ер-хар ердан топишди – кечаси билан сандироклаб юриб, кўча-кўчада чўзилиб колган эдилар. Мана шундай тергов килган эди улар. Совукхонага камалган ва оёк-кўлига кишан урилган Левко чекаётган азобининг чеки йўк эди. Орадан бир кун, икки, уч кун ўтди. Сокчилар Ивгани унга якин йўлатишмади. У Левкога овкат обкелиб турди, лекин, энг мухими, ундан нега олдинг шу касофат пулларни, деб сўрагиси келарди. Яна, кандай килсак, бу ишни ёпти-ёпти кила оларканмиз, деб маслахатлашмокчи бўларди. Лекин сокчилар уни нукул хайдашга тушардилар... Шўрлик киз уйга кайтиб келарди-да, кўз олди коронгилашгунча юм-юм йигларди!

Левкони гум килганидан кувончи ичига сигмаган Тимоха бўлса, Ивганинг кайгуга ботганига парво хам килмай, хўжаликни бошқаришга киришди ва кунуззукун мирза билан улфатчилик кила бошлади... Кизиги шундаки, энди Тимоха мирзани эмас, мирза Тимохани сийлаб мехмон килар ва икки гапнинг бирида, Левкони гаврон билан савалатиб Сибирга сургун килдиражагини айтиб, хамтовогининг кўнглини хушларди:

– Мен,– дерди у,– хаммасини дўндирдим: хамма гапни, хатто уни, ўзи айбига икрор бўлди деб ёздим; кўрдингми, мен сени душманингдан, ракибингдан куткардим. Сен энди синглингни зўрлаб бўлса хам менга бер. Менга молу давлат хам, бойлик хам керак эмас, факат синглингга уйлансам бўлгани.

Мирза, гарчи огзида шундай деётган бўлса хам, аслида Тимохани алдаётган эди: унга Ивга эмас, бу хонадондаги бойликлар керак эди. Зеро, бу жуда бадавлат хонадон эди. Охир-окибатда, мирза Тимохани хам ёмон хулки учун солдатликка жўнатиб, бутун хўжаликни ўзи бошқариш ниятида эди. Кария Макуханинг хам чорасини кўриб кўйган эди. “Уни кишлокнинг энг бадавлат фукароси сифатида солик йигувчи этиб сайлатаман, кейин уни хисоб-китобда чалгитиб адаштираман. Шу бахона билан бутун хукукни ўз

кўлимга оламан. Агар гапимга кирса, хай-хай, ишини тўгрилаб бераман, бордию кайсарлик килса, уни кишлокдан бадарга киламан. Баттар бўлсин! Ивгани бўлса, беш-олти марта боплаб пўстагини кокаман, менга халакит килмайдиган, ишларимга тумшук тикмайдиган бўлади... Ана унда, ўз қобилиятим, тадбиркорлигим билан жуда бойиб кетаман, эхтимол, шунда мени суд маслахатчиси этиб сайлашар хам... Хм! Хм!” Мирзанинг кўкнори хаёллари ана шунака эди!

Орадан тўрт кунча вақт ўтибдики, хали хам ҳеч нарсанинг дараги бўлмади... Бир куни кишлокка чопар казак от чоптириб келиб, ор-камдан пан исправник келяптилар, деб хабар килди. Шу захоти хонадонлардан товуклар, тухумлар йигишга киришишди; узумдан сузилган вино – мусаллас ва фаранги арак харид килиш учун сахарга одам юборишди. Ахир эртаси куни жума эди. Пан исправник бу куни очидан сирилиб ўлса хам жайдари таомларни истеъмол килмайдиган одат чиқарган эди. Шунинг учун, сахардан увилдирик, Кримнинг сельд балиги, янги тузланган осетра балиги, энг сархил кискичкалар ва юшоқ тешиккулчалар олдириб келишди. “Маълумингизки,– дер эдилар сардор билан мирза хар доим жамоа йигинларида,– жаноби олийлари бизларнинг ташвишимизни килиб тер тўкиб ишлайдилар, шунга кўра, бизлар хам, ўз навбатида, ул жаноби олийларининг кўнгилларини овлашимиз лозим”.

Мана, пан исправник хам икки нафар казак кузатувида, бир жуфт кўнгирокчаларни жингиллатиб, ўз мирзаси билан аравада етиб келди.

– Каерда ўша уй? – деб сўради у бакириб.

Уни Макуханикига бошлаб кетишди. Лекин пан исправник уйга киришидан олдин, карвонсаройда истикомат килиб турган мусофирларнинг барини хайдаб чиқаришди. Исправник хонага киргач, биринчи навбатда худога сигиниб чўкинди, шундан кейин:

– Бирон егулик борми ўзи бу ерда?– деб бакирди.

– Бор, пан жано... йўг-е... жаноби олийлари,– деди мирза хокисорона мутелик билан.– Вале, ундан олдин тергов ихтиёр килмайдиларми...

– Йўкол кўзимдан, ахмок!– деб бакирди унга жаноби олийлари ер депсиниб ва мирза узатган тергов когозини унинг башарасига отаркан.– Нима, мени оч колдириб сирмокчимисан? Шундок хам йўл азобидан кийналиб кетдим. Ўша ўгрини ўзинг сўрок килгин-да, кейин менга кўрсат. Хозир овкат емокчиман!

Бизнинг мирза жаноби олийларини безовта килмаслик учун оёк учида аста-секин юриб хонадан чиқиб кетди. У дахлиздан чиқиб, уй оркасига ўтди ва шу ерда, гўё Левкони сўрок килгандай тергов когозини тўлдира бошлади, вахоланки, у Левкони камалган кунидан бери бир марта хам кўрмаган эди. Пан исправник эса, шу аснода мирикиб тушлик килди. У эндигина тановул килиб хам бўлган эди, мирза унинг хузурига оёк учида пилдираб кириб келди ва:

– Тергов гувоҳномасига имзо чекмокни ихтиёр этмайдиларми, жаноби олийлари? – деб сўради.

Аmmo жаноби олийлари “гурс-гурс” ер тепиниб, мирзага ўшкириб беришни ихтиёр килдилар ва: “Овкатдан кейин хордик чиқаришим керак, менга халакит килма, дедилар хамда аристон масаласида гувоҳларни ялпи сўрок килиб, бу ишни уйкудан уйгонгунларича тугатишни амр этдилар.

Шохона тушликдан кейин исправник жаноблари “пинакка кетдилар”, сабабки, у киши товук гўшти ва куймок устида кўп захмат чекдилар. Ул зотнинг мирзасини эса Тимоха Макушенко тўйгунича мехмон килгач, дарёда чўмилишга, кейин ўрмонда майсалар устида чўзилиб ётиб, трубка чекишга таклиф этди.

Пан мирзо эса, бу орада бирталай одамларни йигиб, бўлис махкамасига бошлаб келди ва уларни шундай сўрокка тутди: “Кани, менга айтинглар-чи, азизлар, Макуханинг асранди ўгли Левконинг кандай сифатларини биласизлар? Ким нима дейди?”– шундай деб, у паткаламани когоз устида китирлатганча, жамоанинг жавобини кута бошлади. Кариялар, нима дейишларини билмай, елкаларини кисиди.

Кимдир йўталиб кўйди, кимдир кўлидаги таёғи билан ер чиза бошлади, лекин хаммалари гунг эди. Нихоят, бир кария олдинга чикиб шундай деди:

– Ха-а, анави Левкоми? Макуханинг асранди ўглини айтяапсанми?.. Унинг канака сифати бўлиши мумкин?.. Хм, хм!.. Худо асрасин уни! Унинг ҳеч кандай ёмон сифати йўк. Мен касам ичиб, сенга ҳақ сўзни айтишим керак: у яхши бола, мўмин-кобил, сергайрат йигит; агар у билан Ивга иккови хўжалиқда тартиб ўрнатмаганида, Макуха хозир ҳамма буд-шудидан мосуво бўлган бўларди...

– Ҳамма ҳам шу фикрдами?– деб сўради мирза, Левкони макташганларига ҳасад килиб; унинг ичини ит таталай бошлаганди. “Майли... кўрамиз хали!” деб кўйди ўзича.

– Ҳаммамиз ҳам шундай деб ўйлаймиз, касам ичишимиз мумкин...– деб чувиллай бошлади бутун жамоа.

– Яхши, яхши, оталар,– деди мирза,– келинлар, бармок босинлар-да, уй-уйингизга кетаверинлар.

Мирза ҳамма карияларга бармок бостириб, уйларига жўнатиб юборди, сўнг ўтириб, ичидан тўкиб, фалончи ва писмадончилар касам ичган холда, Левконинг гирт ўгри, ишқмас, кишлокма-кишлок сан-киб юрувчи безори, оилавий хаётга нокобил, килмиши факат одамларни тунаш, маст-аласт бўлиб юриш, дуч келган одам билан муштлашиш эканини, яна бошка ёмон жихатларини ҳам санаб, колаверса, ўз хўжайинининг пулини ўгирламокчи бўлганини айтишганини, у билан бир кишлокда яшашни хохламасликларини баён этишиб, маъмуриятдан уни солдатликка бериб юборишни ё Сибирга сургун килишни сўрадилар, деб бир дунё гийбатни тўкиб ташлади. Пан мирза бармок босган фукарларнинг хаммаси учун ўзи имзо чекаркан, бундай сохта ялпи тергови учун гуноҳга ботишдан кўрқмади! Кўрдингизми, Левкони кандай таърифлаганини? Эҳ, шум ният мирза!..

У яна гувоҳларнинг маълумотларини ҳам, яъни айбдорнинг чўнтагидан пулларни ким тортиб олгани, ким уларни санаб чиккани, Левко ўша пулларни юлкиб олмокчи бўлгани, кейин, барибир, айбини бўйнига олгани борми – ҳамма-хаммасини ёзиб чикди-да, ўша лом-мим демаган гувоҳлар номидан имзолар чекди. Кейин бу тергов хужжатларини йигиштириб, пан исправник жойлашган Макуханинг уйи-га кириб борди.

Исправник жаноблари уйкуга тўйиб уйгондилар, хомуза тортиб, бир неча марта керишдилар ва ўзларини чой билан мехмон килишни амр этдилар. Фаранги арак билан чой ичиб, трубка чекдилар. Нихоят, еттинчи финжонни ичиб бўлгач, шангиллаб:

– Хей, мирза! Буёкка кир! – дедилар.

Мирза охиста кадам босиб кирди ва пан исправникнинг кўзига тикилганча эшик олдида тўхтади. Хозир унинг мясида гох у фикр, гох бу фикр гужгон ўйнади: пан исправник нима тўгрисида: узилмаган карзлар хакидами, йўлларнинг ахволи хакидами ё фукарога ер таксимлаш масаласида сўрамасин, у хаммасига мукамал жавоб тайёрлаб кўйган эди, унга кандай савол беришмасин, барибир, ёлгон маълумотлар билан кутулиб кетарди.

– Тергов нима бўлди?– сўради пан исправник.

– Тугади, пан.... э йўг-е, жаноби олийлари! Тергов ҳам, сўрок ҳам, гувоҳларни ялпи сўрок

килиш хам тугади.

– Кўрсат, буни менинг мирзам туздими?

– Йўк, жаноби олийлари! Мирза жаноблари жисмларини покламок максатида бир манзилга, яъни дарё бўйига равона бўлдилар, чўмилиб кирдан фориг бўлиш учун. Шунга кўра, терговни тезрок яқунлаш максатида ўзим...

Пан исправник терговномани узок вақт варақлаб ўтирди, сўнг деди:

– Маъкул, яхши. Хатто суд маслахатчиси Марко Побейпеч хам буни ўкиб, ҳеч балога тушунолмади... Яхши, уйимга борганда имзо чекаман бунга. Бориб айт, отларни аравага кўшишин... Ким у дахлизда пикиллаб йиглаётган?

Бу йиглаётган бизнинг бахти каро Ивга эди; у исправник билан учрашишни сабрсизлик билан кутарди, зеро, унинг тушунчасича, пан исправник ўз лавозимида кўра, унинг Левкосини химоя қилмоғи керак эди. Шунинг учун, исправник келганидан бери, у Левко камалган совуқхона олдидадан жилмай, уни исправник хузурига олиб боришларини кутди, шунда ўзи хам унинг кетидан эргашиб бориб, терговда Левконинг нима деб жавоб қилишини эшитмоқчи, қайси шайтон йўлдан уриб, уни отасининг сандигидан пул ўгирлашга ундаганини билмоқчи эди.

Исправник берган саволга пан мирза виждонини ютиб, ёлгон тўқишга шайланаркан, кокилини силаб, томок кирди, белбогини тортиб қўйди-да, бир вақтлар эшитгани “ёлгон гапирган одамнинг кўзида ўйнагучи жажжи одамчалар оёқлари осмонда бўлиб тураркан”, деган таъбирни эслаб, кўзини ерга қадаганча деди:

– Бу, жаноби олийлари, шу уй сохибининг кизи. Миш-мишларга караганда, яқинда рекрутликка (аскарликка) сафарбарлик бошланармиш. У яққо ёлғиз акасини рекрутликка олиб кетишларидан хавотирда...

– Нима, у боланинг хулқи ёмонми?

– Йўк, жаноби олийлари, унда ҳеч қандай ёмон иллат йўк, фақат курук миш-мишлар, холос, Биласиз-ку, хотин зоти лакма бўлади...

– Айт унга, ҳеч нимадан хавотирланмасин. Бориб айт, йўлга хозирлик қўришин. Аристонни хозирок жўнат шахарга. То мен етиб боргунимча, у ўша ерда бўлсин. Мен зумда хал қиламан унинг ишини. Айт, йўлда унга кўз-қулоқ бўлишин, тагин қочиб кетмасин.

– Ижозат берсангиз, жаноби олийлари, мен ўзим уни шахарга кузатиб бориб, топширганим ҳақида расмий хужжат олардим. Судга керак бўлиб қолади бу хужжат.

– Яхши, ўзинг олиб боракол. Жўна. Хузуримга сардорни юбор.

– Пан мирза худди биз-бизак ўйинчокдай бир оёғида орқасига айланганди, кокили силкиниб кетди... ва зумда гойиб бўлди.

У чиқиб кетиши билан дархол хонага сардор кирди ва эшикни зичлаб ёпди. Улар ўзаро нима ҳақдадир узок суҳбатлашишди. Айтишларича, ичкаридан нималарнидир тақир-туқури, жингиллагани эшитилибди... Биров, Левко қўлга олинганда ёнидан чиккан пулларни санашган, деса, яна биров, ким билсин, балки финжонлар ё бошқа буюмлар жаранглагандир деди. Биз у ерда бўлмаганмиз, нима бўлганини билмаймиз, билиш бизнинг ишимиз хам эмас. Биз сизга Левко билан Ивга ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз, лекин ортиқча гап айтиб юбормаслик ё керакли гапни айтолмай қолмаслик учун бу икки ёшнинг ўртасига тушмоқчи хам эмасмиз. Уларни ўз холига қўяйлик-да, мирзанинг орқасидан бориб, унинг қандай найранг ишлатишини кузатайлик.

Исправник олдидадан отилиб чиккан мирза эшик олдида аччик-аччик кўз ёш тўкиб йиглаётган Ивгага шундай деди:

– Йиглама, жонидан! Пан исправник жаноби олийларига астойдил илтижо кил. У эшитар балки, Левкони уйда колдирар, ишкилиб, солдатликка юбормаса бўлгани. Ялиниб-ёлбор жаноби олийларига!

– Мирза шундай деб ўз вазифасини бажаргани югуриб кетди. Шу захоти сокчилар хам, кузатувчилар хам шай бўлишди; улар Левкони, эс-хушини йигиб олишига хам имкон бермай, кўлига кишан урушиб шахарга хайдаб кетишди. Пан мирза уларнинг оркасидан отда кузатиб борарди...

Пан исправник жаноби олийлари сардор билан ишни битиргач, аравага ўтиргани ховлига чикди, шу пайт остонада Ивга унинг оёгига бош уриб ёлбора бошлади:

– Отагинам, ўргулай сиздан! Илтимос, топширманг менинг Левкомни!– деди-ю, хўнграб юборди.

Исправник бўлса, Левко киму Марко ким, билишни хам истамасди, шу боис, бу киз акасини аскарликка олмаслик тўғрисида илтижо киляпти, деб ўйлаб, уни оёги билан туртиб, дагдага килди:

– Мунча кўркмасанг, тентак киз? Олишмайди уни, олишмайди...

– Буюринг, жаноби олийлари, уни кўйиб юборишсин!– дея нола килди Ивга исправник оркасидан арава томон югуриб бораркан ва унинг камзули этагидан торткиларкан.

– Айтаман, буюраман,– деди исправник оғзидаги трубкадан тутун кайтариб, аравага чикиб ўтираркан.– Уни олишмайди...– Шундай деди-ю, жўнаб кетди...

Отлар югуриб кетишди, кўнгирокчалар жингиллади, иккита казак араванинг олдида, учинчиси ёнида отларини елдириб борардилар.

Пан исправник жаноби олийлари бўлса, терговни шу тарзда ўтказиб бўлиб, аравада оёгини узатганча ўз хаёллари билан банд бўлди.

Унинг мирзаси хам хузур килиб чўмилиб, ўрмонда мирикиб хордик чикаргач, ўз аравасига ўтириб, ўз хаёллари огушида йўлга равона бўлди... Сал вақт ўтмай исправникнинг хам, мирзасининг хам аравалари кўринмай колди.

Пайшанба куни фукаролардан йигиб келинган ва жума куни шахардан харид килинган турфа хил таомлардан жаноби олийлари еб улгуролмаган саркитлар сардорга колди. Бошка кимга хам насиб этарди улар?

Пан исправникнинг шундай мархаматли карорини эшитган Ивга, суюнганидан боши осмонга етиб, югурганча совукхона олдида борди... “Вой, дарров бўшатиб юборишдимиз?– деб ўйлади у.– Эшик очик, сокчилар кўринмайди...” У бўлис махкамасига борди.. Э... кайси нокас ўтирарди бу ерда пан исправник жўнаб кетганидан кейин? Энди уч кун изгиб хам уларни йиголмайсан. Агар яна шунака бирон можаро юз бериб исправник ё маслахатчининг келиши кутиладиган бўлса, шунда хамма яна жой-жойида пайдо бўлади.

Ивгамизнинг калби кувончга тўла, унинг кўнглида энди хеч кандай гашлик йўк. Унинг ўйлашича, исправникнинг буйруги билан хибсдан озод килинган Левко, эхтимол, хозир дарёда чўмилиб пок-лангани кетгандир, ундан кейин, эхтимол, амакисининг уйига кириб тамадди килар... Шундай хаёллар билан Ивга уйига йўл олди ва кўнгли таскин топиб, яна рўзгор ишларига берилиб кетди. Уйда кўп нарсалар ейилган, анча-мунча ичимлик ичилган, баъзи нарсалар олиб кетилган, баъзи нарсалар каровсиз колган эди... Бу гирт хонавайронлик! У бироз йиглаб олди, нима килсин, ишга киришди: хаммаёкни супуриб-сидирар, йигиштирар, уни жойлар, бунни яширар, югуриб-елар экан, кўзи нукул Левконинг йўлига нигорон эди... Янгасиникида тушлик килгани колгандир балки? Шундай килганиям яхши бўлди – бу ерда нима билан бокарди уни? Худди ёв босгандай,

хеч вако колмаган уйда! Мана. Кеч хам кирди. Балки, бир мирикиб дам олай, деб бугун ўша ерда ётиб колар. Биратўла эртага келиб, ишга киришмоқчидир?..

Мана, тонг хам отди... Хануз Левкодан дарак йўк!.. “Ха-а, энди билдим, – деб ўйлади яна Ивга.– Одамлардан берган карзини ундиргани кетган; бу машмашалардан кейин, у тезрок масаламизни хал килмоқчига, отамдан ажралиб ўз рўзгоримизни тузмоқчига ўхшайди. Пан хазрат бизни уйлаб кўйишга ва камбагал бўлганимиздан никоҳ ўкигани учун озгина хак олишга сўз берувди...”

Туш хам бўлди, кун хам ога бошлади, Левкодан халиям дарак йўк. Кечкурунга бориб, Ивганинг яна ташвиши орта бошлади: бу ёқда отасининг хуноби чиккан, у сардорнинг олдига бориб, кайтариб берилмаган аллакандай пуллар хакида тортишди. Сардор бўлса, коида бўйича, кўлга туширилган пул хеч қачон кайтариб берилмайди, деб айтибди... Бу хам етмагандай, Тимохани айтмайсизми... Шунча пулни кайдан олдийкин – хеч ким билмайди! Хар куни улфатлари билан маишат килади, уларни тўда-тўда килиб уйига бошлаб келади. Улар бамаъни, халол одамлар бўлишса хам майлийди, хаммалари ўзига ўхшаган кабиҳ, безори кишилар. Уларни бошлаб келиб уйни тўлдиради-да, маишатга берилади, хаммалари бакиришиб кўшиқ айтишади: Тимоха дераза ойналарини, кадахларни, шисаларни уриб синдиради; синглисига, худди чўри хотинга бакиргандай ўдагайлайди, унинг ишга киришиб, рўзгорни тартибга келтиришига халакит беради. Шўрлик кизга кун йўк; бу ёқда унинг биттаю битта дардлашадигани Левко хам халигача келмаяпти...

У Левкони бир кун кутди, икки кун кутди, хамон ундан дарак йўк эди. Балки у, энди хамма мени “ўгри” деб чакиради деган андишага бориб, уялганидан корасини кўрсатмаётгандир? Агарда Ивга Левкодан карз олган одамларнинг кимлигини билганида. Ўзи бориб, Левконинг уларникига борган-бормаганлигини сўраб-суриштирган бўларди. Лекин нима килсин – карзддорлар кимлигини у билмайди. Уч кун деганда, Ивга Левконинг янгаси олдига боришга жазм килди; у аёл кайнисининг каердалигини ва нима максадда кўздан кочиб юрганини билса керак, албатта. Киз шу хаёл билан янганикига йўл олди.

Левконинг янгаси Горпина Ивгани кўрди-ю, лаби лабига тегмай, саннаб кетди: “Адойи тамом килдинглар, единглар менинг Левкогинамни! Каёкка тикдиларинг шўрликни? Нима, жувонмарг килгани асраб олувдингларми бечора етимчани? Арзимаган пулларингни олганми ё энди олмоқчи бўлганми, маълуммас, дарров жазога тортдинглар! Оз-моз олган бўлса хам, ахир хизмат килиб кўйибди-ку! Одамлар асранди болани ўз фарзандидай парвариш килишади, у шўрлик кулдай яшади сизларникида: кечаю кундуз тиним билмай ишлади, мол-давлатингизни худди ўз мулкидай куйиб-пишиб асради, зиёда килди. Шуми хали унга кўрсатган кароматларинг? Шўрлик бола пулга мухтож экан, ёрдам сўрайдиган хеч кими бўлмаганидан беш-ўн сўм олмоқчи бўлибди – шунга хам шунча машмашами? Хай, ўгрилик килаётгани устидан чикиб қолибсизлар, ахир унга уйда танбех берсаларинг хам бўларди-ку, сизлар бўлсангиз, бир хафтадан бери совук хонада асраяписизлар уни...”

– Йўк, янгажон, уни озод килишди, исправникнинг ўзи буюрди уни чиқариб юборишни...

– Илоё, ўша исправникларинг хам, кари калбош Макуха хам, хамма уруг-аймоқларинг билан бирга балойи азимга гирифтор бўлинглар!– дея айюханнос солди Горпина.– Чиқариб юборишди, дейди-я! Кани сен чиқариб кўр-чи, кўллари боглик, оёгига кишан солинган йигитни; худди ашаддий карокчи ё котилни кўриклагандай таёклар билан куролланган сокчилардан озод килиб кўр-чи... Олиб кетишди боякишни! Хали шахарга

етиб боргунларича хам дам бермай хайдасалар керак у бахти карони.

– Канака таёклар билан?.. Шахарга, деганингиз нимаси?– дея олди Ивга базур, у ўлар холга тушган, оёк-кўллари даг-даг калтирарди...

– Канака таёклар билан?– деди Горпина пичинг килиб.– Нима, сен хали хеч нимани билмайсанми, ўргулай? Ўшандай таёк билан сенинг ношуд отангинг бошига бир марта урсалар, тил тортмай ўларди; бечора болани бўлса, шунака таёк ушлаганлардан ўнтаси олдига солиб хайдаб кетди.

– Ахир каёкка хайдаб кетишди?.. Тезрок айтсангиз-чи, янгажон!..

– Каёкка бўларди? Такаларнинг шохини синдирадиган ерга. Аслида у ёкка сенинг отанг билан бебурд аканг Тимохани, уларга кўшиб сени хам, ойимкиз, жўнатиш керак эди; сен хам анойимассан: сенга эрга тегаман, деб алдаб бечора боланинг кўйини пуч ёнгокка тўлдиргансан. Уни молдай ишлатгансан. Мана, энди хўжаликни усиз хам бошқаришга кўзларинг етганида, шўрликни гумдон килишга тушгансанлар. Ана, энди бошка йигитни топиб лакиллатавер! Горпина жиянига ачиниб, юм-юм йиглашга тушди.

Унга караб Ивга хам аччик-аччик кўз ёш тўкди ва хеч бўлмаса, мендан ранжиманг холажон, деб исправник билан бўлган муолмаласини, унинг Левкони озод килишга сўз берганини бир бошдан сўзлаб берди...

Горпинанинг кўнгли бироз юмшади ва Левкони анча-мунча сок-чию кузатувчилар шахарга хайдаб кетганини сўзлаб берди.

Бу хабар Ивгани хайратга солди. У Горпинага бир огиз хам сўз айтмай, уйига жўнади. У узок вақт ўксиб-ўксиб йиглади... Кейин кўнглига бир гап келиб, йўлга отлана бошлади: керакли нарсаларни сафар халтага солиб оғзини боғлади... Пул хам керак эди унга – лекин пули йўк. Хўжаликда, олди-сотдидан тушган пулларнинг хаммасини у отасига берарди. Лекин отасидан пул сўрагиси келмади – нима киласан пулни, деб суриштириши мумкин эди-да. Кўшнима-кўшни юриб, маржонини, тилла такинчокларини, хочини яна энг яхши нав йўл-йўл газламасини хам гаровга кўйиб, улардан пул олди; хаммасини жо-бажо килиб халтани елкасига илди, узун чакмони устидан белбоғ боғлади, кўлига таёк олди-да, черковга бориб худога ибодат килди. Кейин бўзлаб-бўзлаб йиглаганча... йўлга тушди.

Гарчи у ўз кишлогидан анча узокка кетган бўлса хам халигача на бир бурда нон еди, на бир култур сув ичди. Овкат ўтармиди шўрликдан. У хеч нимани йўламасди! Кетаверди... кетаверди... Бир махал узокдан шу томонга елиб келаётган мирзанинг отларини кўриб колди. Мирза хам шу отлардан бирида бўлиши керак, деб ўйлаб, баланд ўсган ўт-ўланлар ичига кириб, бикиниб ётиб олди. Мирза уни кўрмади, овозини бадандлатиб кўшиқ айтганча, гизиллаб ўтиб кетди.

Ивга мирзанинг кораси ўчгунча пойлаб ётиб, ўрнидан турмокчи бўлди... Вой, нима бўлди?.. Оёклари увушиб қолибди! Томоги какраган, хеч нима емаганидан силласи куриган, миясини эса факат гам, ташвиш камраб олган эди!..Бир амаллаб ўрнидан турди ва зўрга-зўрга кадам ташлаб юра бошлади... Каранг, аксига юриб, биронта арава хам ўтмаса-я! Балки шахаргача олиб бориб кўярмиди... У кечкурун алламахалда шахарга зўрга етиб олди: у ерда Ивганинг бир дугонаси бор эди – бева жувон. Шу дугонасиникига кириб борди... Уни яхши кутиб олишиб, корнини тўйгазишди, ўзини юпатишди.

Эрталаб Ивга дугонасига нима максатда шахарга келганини сўзлаб берди ва у билан маслахатлашиб, икковлари камокхонага жўнашди. Дарвоза олдида сокчилик килиб турган солдат улардан бир пул олиб, палон аристонга кўйлак билан бўлка нон олиб

келишибди, деб айтгани бошликнинг олдига кириб кетди. Рухсат олиб чиккач эса, унга яна ярим танга беришиб, камокхонага киритишини сўрашди. Ичкарида уларнинг олдига Левко чикиб келди... Ё биби Марям! Шу Левкоми, а? Эгнидаги кўйлаги искирт, илма-тешик; ўзи ялангоёк, соколи ўсиб кетган. Сочининг ярми, худди сургун килинган махбусларникига ўхшаб узунасига устарада кирилган... Агар Левконинг ўзи гап бошламаганида Ивга уни танимасди хам.

– Ивга! Халиям мени унутмадингми? Шу ерданам топибсан!

Ивга тош бўлиб котиб колди, вужуди даг-даг титрар, кўз олди хиралашганди.

– Нима килиб кўйдинг асти? – деб сўрашга зўрга холи келди унинг.

– Нима килганимни ўзим биламан. Мен худодан хам, суддан хам кўркмайман. Нимага мени тергов килишмаяпти? Хаммасини гапириб берардим судда, агар сўрашганда...

– Сен менга гапириб бер, ҳеч бўлмаса, мен билай нима килганингни.

– Ха, сенга бор хакикатни айтиб бераман, лекин мени тергов килишлари хам керак-ку, ахир. Бўлмаса эшит, судьяларга хам айтиб бер: мен отангнинг хонасига кирганимда...

– Нега бу аристон хотинлар билан гаплашяпти? – деб бакирди уларни кўриб колган сержант.– Хайда уларни! Обкелган садакасини бердими, кетишсин!

Шу захоти Левкони обкириб кетишди. Ивга унга олиб келган нарсасини беришга зўрга улгурди. Солдат уларнинг кўлидан ушлаб камокхонадан обчикиб кўйди...

Ивга энди нима килсин? Левконинг ишини халиям судда кўришмабди... У нималарнидир айтмокчи эди... шунинг учун хам кўркмаяпти ҳеч нимадан... Нима бўлса бўлар: ўзим судга бориб, тезрок унинг ишини кўришларини сўрайман. Ана шунда, агар айби унчалик бўлмаса, бўшатиб юборишади...

– Билмадим, унинг ўрнида бошка киз бўлганида судга бориб арз килишга журъат эта олармиди? Нима деб хам арз киларди у, ахир неча пуллик иши бор Левко билан: ўша киз хатто зийрак, эпчил, довюрак, айтган сўзлари отилган ўкдай бўлганида хам судга борганида халимдай юмшаб, мусичадай ювош бўлиб колган бўларди. Лекин бизнинг Ивгани ҳеч ким лакиллатолмайди, кўркитолмайди, у шунакаки, бошлаган ишини охирига етказмай кўймайди; у акли расо киз, онасилан ўтган бу фазилат. Шундай киз бўлади-ю, кўзлаган ерига етиб боролмайдими? Ивга у ёк-бу ёкка кўз ташлаб чўкиниб олди ва... шартта йўлга тушди.

Йўлда учраган одамлардан сўраб-сўраб ахири пан исправник ўтирадиган суднинг каердалигини билиб олди. Бориб ичкари кирди... Вой-бў, хаммаёкда мирзалар, одамлар хам тумонот, ораларидан ўтиб бўлмайди. Бир ерга бир аристонни олиб келишган; яна бир ерда солдат тураржой хакида арз кияпти; бир ерда яна бир одам бегона сигирлар даласини пайхон килганидан зорланяпти; бошка бир ерда қари бир кампир, болаларим менга карашмай кўйишди, деб шикоят кияпти; бир жойда ўгрилар, яна бир жойда ногахон ўлиб колган одам тўгрисида яна бирталай хар хил вокеалар устида гап боряпти, суд ахли эса одамларга факат маслахат бериш билан банд.

Бизнинг Ивга хаммаёкка кўз югуртириб чикди, одамларнинг арз-додини эшитди, кейин оломон орасини ёриб ўта бошлади. Мана, у эгнига одми халат кийган бир мирзанинг олдига бориб, таъзим килиб сўради:

– Кошкийди, сиз, пан мирза, тезрок менинг Левкомни сўрок килиб ишини кўрсангиз.

– Яна канака Левко?.. Бор, бор, тошингни тер! Бу ерда бош кашишга вақт йўг-у, у бўлса Левкосини тикади-я!

Ивга унинг дагдагасидан кўркмади ва мугомбирлик килишга ўтди. “Чамаси бу искирт халат кийган одам катта амалдорга ўхшамайди,– деб ўйлади.– У билан бир можаро

талашиб кўрай, зора-мора каттарок бошликлари келса”.

Шундай хаёл билан у мирзага бакира кетди:

– Нега дарров жажлингиз чикади? Мен сизга савол бердим, сиз бўлсангиз ким хакида сўраганимни суриштирмай-нетмай, дарров мени бир у ёкка-бир бу ёкка жўнатяпсиз.

Ўзингиз жўнасангиз бўларди... ўша ёкка!

– Нима? Хали сен менга бакирасанми? Хей, коровул, хайдаб чикар манавини!

– Э, йўк, сиз мени хайдолмайсиз,— деб яна бор овози билан бакирди Ивга,— Мен бу ерга иш билан келдим. Агар сизлар хат ёзишга уста бўлсанглар, мени хайдамай, арзимни эшитасизлар...

– Мунча чакагинг очилмаса! Хозир сени сочингдан тортиб...— деб мирза бакирган эди, бу ерга кирган одамни кўриб, бирдан гапи огзида колди.

Ивганинг таърифлашича, бу – афти лавлагидай кизил, соколи пахмок, боши кал, кўзойнак таккан, эгнига тугмалари кадалган кафтан кийган, кўлига бир варақ коғоз ушлаган, кулогига паткалам кистирган одам бўлиб, афтидан, бурнаки тамакини хидлашга ружу кўйган кўринарди.

– Ким бу ерда бакирган,— деб сўради кирган одам.

– Мирза шу захоти, манави киз хаммаёкни бошига кўтаряпти, деб гийбат килишга тушди. Лекин кўзлаган максадига эришганини кўрган Ивга бошликни гувоҳликка чакириб мирзага: “Хечам-да, пан мирза, ёлгон гапирманг”,— деди. Кейин воқеа кандай бўлганини гапириб, Левконинг иши билан келганини айтди. Кирган одам котиб эди.

У бўлган можарога эътибор бермай, Ивгадан сўради:

– У кайси Левко? А, бўлди! Анави хўжайинининг икки юз сўм пулини ўгирлаганми?

– Йўк, таксир. Сиз уни сўрок килинг, нега бундай килганини айтиб беради. Унга одам юбориб сўрок килинг. Айби йўқдир унинг, эхтимол.

– Сени кара-ю!— деди котиб.— Нима, энди сени деб ўн марталаб сўрок киламизми? У аллақачон айбини бўйнига олган: энди у бизнинг суддамас.

– Бўлмаса. Каерда у, мухтарам жаноб?— Левконинг айбини бўйнига олганини эшитган Ивга кўнгли вайрон бўлиб нафаси ичига тушиб кетган эди...

– Каерда бўларди – борадиган жойида. Унинг ишини биз тегишли ерга жўнатганмиз,— деди котиб ва орқасига ўгирилиб ўз жойига кета бошлади.

Энди Ивга нима килсин? Ахвол чаток! Левко, мени сўрок килишмади, деб айтувди, суд махкамасида эса, унинг хамма айбни бўйнига олганини айтишяпти, хозир уни бошқа судга ошириб юборишганмиш. У каерда бўлиши мумкин?

Суд махкамасидан чиккан дилпора Ивга шундай карорга келди: “Левконинг олдига бориб бирга дардлашамиз, нима килиш лозимлигини маслахатлашамиз!”

У дугонасиникида тушлик пайтида бирон нима едими ё йўкми, билмайди; хамма егуликларни йигиштириб, камокхонада ётган Левкога олиб кетди...

– Якинлашма!— деди унга камокхона олдида у ёкдан-бу ёкка юриб турган солдат.

– Бу мен, жаноб солдат, Левконинг олдига келдим. Мени эрталабам киритишганди...

– Эрталаб киритишган,энди киритилмасин, деб буйрук келди.

– Ким буюрибди?

– Суд махкамасидан хат олиб келишди, унинг олдига ҳеч ким кўйилмасин, деган.

– Худо хайрингизни берсин, жаноб солдат, айтинг, бугун Левкони сўрок килгани олиб боришдими?

– Йўк. Айтишларича, у шундай ёмон иш килганмишки, сўроксиз хам иши чатокмиш.

– Эй рахмдил эгам!— деб йиглаб юборди Ивга.— Нима ёмонлик килган эдики, бечорани

жувонмарг килишмокчи?..

Ана шунака! Кўзлари гилт-гилт ёшга тўлган Ивга каёкка бош урарини билмай колганди. Лекин, барибир, шундай огир кайгуга ботган бўлса ҳам, Левконинг кайси судда суд килинишини, судьялар кимлигини, уларнинг турар жойини одамлардан сўраб-суриштирди. Бир киши унга хар битта судьянинг уйига бориб, арз килишни маслахат берди. “Бўлмасам, деди у, судга борсанг, сени ё киритишмайди, ё арзингга яхши кулок солишмайди, чунки улар бирйўла бир канча ишни кўришади”.

Ивга эрталаб битта судьяникига борди.

Дангиллама иморат. Ивга кирди... Караса, бир нечта йигитлар стол атрофида ўтириб, карта ўйнашяпти (Ивганинг таърифлашича, бу панлар ўйини бўлиб, ютказган ахмок бўлиб пул тўларкан. Куриб колган эканми панларга шу “ахмок” ўйиндан бошка ўйин, деб ўйлабди у).

Хеч нарсага тушунмаган киз хаммага бир-бир эгилиб таъзим килди ва аянчли овозда илтижо кила бошлади: “О менинг азиз панларим, о менинг хурматли панларим! Кай бирингиздан сўрай менинг Левком хакида?”

Ивганинг овозини эшитган бойвачча йигитлар унга ялт этиб карашди ва берган саволини мазах килиб хандон ташлаб кула бошлашди. Уларнинг сурункасига котиб-котиб кулишидан, Ивга олдиниға ўзини йўкотиб кўяёзди. Кейин сал ўзига келгач, уларга карата шундай деди: “Бошиға огир мусибат тушиб, сизлардан нажот излаб келган бахти каро бир кизни масхара килиб кулиш гунох эмасми, панлар? Илоё, сизларга ҳам насиб этсин менинг бошимға тушган савдо! Хамонки, мен сўраб келган иш сизларнинг кўлингизда экан, унда ялинмайман хеч бирингизга: мен бошка ерларга бораман.

Барибир, хеч ҳам сизлар хохлаганча бўлмайди. Факат шуни айтаман сизларга: уялинг, шармандалар! Сизлар мансабдор панларсиз, ўкиш-ёзишни биласиз, бахти каро одамларга кандай ёрдам килиш хакида китоблар ўкийсиз. Лекин олдингизга нима учун, нимани илтижо килиб келганимни сўрамасдан устимдан кула бошлагингиз! Худо сизларга мартабани шунинг учун берганми? Биз ҳам сизларга ўхшаган одамлармиз-ку, ахир биз каби одамлар сайлаган-ку, сизларни судья килиб, сизлар бўлсангиз арзимизга кулок солиш ўрниға, ўз вазифангизни унутиб кўйиб, каёкдаги “ахмок” ўйинни ўйнаб ўтирибсиз. Майли, ўйнайверинглар, майли, бегунох одамлар камокларда азоб чекиб ётаверсин – сизларнинг вактингиз йўк...” Ивга анча-мунча шунга ўхшаш таъна-танбехларни уларнинг юзига солди. Эшитишсин! Ахир тўгри эмасми гапи? Бас, сен судья экансан, карта ўйнашни, маишатни тарк эт. Худо берган кунда ишингга бор, кўлинг-ға тушган ишни кунт билан, инсоф билан бажар, ана ундан кейин, майли, айшингни сур... Хай, бизнинг ишимизмас панларга акл ўргатиш; уларга тегу коч, бўлмаса балога коласан. Яхшиси, Ивга хакида хикоя килайлик.

Эртаси куни у бир суд килувчи одамнинг олдиға борди. Караса: чўпдай озгин, сочлари оппок окарган жиккаккина, кўримсизгина “жаноб” хаёлға чўмиб, уй ичида у ёкдан-бу ёкка юриб турибди. Ивганинг кўзига у хушфеъл одамдек кўринди ва унга эгилиб таъзим килиб: “Ижозатингиз билан, мухтарам афандим, сизга ўз арзимни айтсам”,– деди.

– Кандай арз?– деб сўради пан юришдан тўхтаб.

– Отамнинг,– деди Ивга,– асранди ўгли бор эди, Левко деган. Отам ҳам, акам ҳам уни ўлгудай ёмон кўришарди, бора-бора уни шу кўйга солишдики, у ўз бошиға бало орттириб, отамнинг сандигидан пул ўгирлабди. Ўтиниб сўрайман сиздан, буюринг, уни сўрок килишсин, кейин, майли, билганингизни килинг...

– Отанг каерда?– деб сўради судья викор билан.

- Отам ўз уйида, кишлокда.
- Кандай сўрок киламиз уни, уйда бўлса?
- Йўк, отамнимас, Левкони сўрок килинг.
- Ўзи, сенинг отанг Левкоми?
- Ха, йўк. Левко асранди ўгил, отам – бу отам.
- Ахир Левконинг пули ўгирланган-ку, нима киламиз уни сўрокка тутиб?
- Ха, йўк. Отамнинг пулини Левко ё ўгирлаган, ё бегунох ўтирибди камокхонада. Мен уни кўрдим, менга айтдики, хали уни сўрок килишмаганмиш.
- Нима, энди сени камокдан чикариб юборишдими?
- Вой, йўк. Мен камокда ўтирганим йўк, Левко ўтирибди. Сиз ундан сўраб кўринг, нега олганикин отамнинг пулини?
- Бу канакаси? Камокхонада пули ўгирланган отанг ўтирибдими?
- Йў-ўк. Камокда ўтирган отаммас, Левко.
- Шунака дегин, энди тушундим. Отасининг ўрнига ўгли камокка тушибди – ўз ихтиёри биланми?
- Ха, йўк – вой, нега тушунмайсиз? Ўглимас, асранди ўгли.
- Боядан бери жаврайсан, бундок тушунтириброк гапирмайсан. Демак, отанг билан унинг асранди ўгли сенинг пулингни ўгирлашган, шундайми?
- Йўк. Рухсат этинг, сизга бир бошдан сўзлаб берай.– деб Ивга хамма бўлган гапни аник ва батафсил хикоя килди – худди когозга ёзилгандай. Пан судья бўлса, нукул бош иргаганча, “Яхши, яхши, тушундим, билдим”, дерди. Кейин бирдан алмойи-алжойи гап бошлади:
- Мана бу бошка масала. Гапларингга энди тушундим. Мендан нима сўраётганингни биласанми? Мумкин бўлмаган нарсани. Сен акангни камокдан озод килиб, ўрнига Левкони камашимизни сўраяпсан. Йўк, йўк, тасаддук, бундай килиб бўлмайди. Ким айб килган бўлса, ўзи жазосини тортсин. Мен нохак ишга кўл уролмайман.
- Вой, йўк ахир! – гап тушунтираверишдан силласи куриган Ивга бакириб юбораёзди.– Сиз Левкони сўрок килинг. Айбдор Левко...
- Яна Левкони айбдор деяпсан. Каллам ўнта бўлгандаям гапингга тушунишим кийин. Бор, кет уйингга. Кулогимнинг тагида жаврайвериб бошимни котириб юбординг. Гапларингнинг хаммаси телва-тескари. Мени ёлгон гапингга ишонтиролмайсан. Хаммасини кўриб турибман. Бор, бор, уйингга. Нима килишимни ўзим биламан.
- Вой, бу кандок кўргилик – судья хам шунака галча бўладими?– дерди Ивга йиглаб уйга кайтаркан.– Биттагина гапимгаям тушунмаса-я! Шўрим курсин менинг!
- Энди сен асосий судьяга хам учраб кўр,– деди дугонаси.– Уни жуда кучли одам дейишади. У хамманинг устидан турган бошликмиш. Биласанми. Ивга! Сен унга хурмат юзасидан бирон нима кўтариб бор.
- Нимамни олиб бораман, хеч ваком бўлмаса?
- Икки шода тешиккулча олиб ол. У унака инжик табиат одам эмас: бир пайтлар мен бир иш юзасидан унга беш дона пиширилган тухум олиб борган эдим, ийманиб ўтирмади, олди. Рахмат унга, ишимниям тўгрилаб берди.
- Ивга икки шода тешиккулча сотиб олиб, судьяникига кириб борди. У паст бўйли, бакалок, кепчик юз, танкайган кўзлари фонусдай чакнок, хуллас, “бинойидай” одам экан. Ивга кирганида у судга кетишга шайланаётган эди.
- Ивга худога сигиниб чўкиниб олди, судьяга эгилиб салом берди ва тешиккулча шодаларини столга кўйиб, ўз иши юзасидан арзини баён кила бошлади. Судья

тешиккулчаларни кўрдию уларга ташланиб, кавшай бошлади. Унинг огзи катта, лунжлари дўмпайган бўлиб, шошганидан тешиккулчани бутунича огзига тикар ва унча чайнаб ҳам ўтирмай бирдан ютиб юборарди. Хикичоги тутиб, кўзлари ёшланса ҳам, хамма тешиккулчаларни еб битиришга ошикарди. Унинг хизматга шошиши шундай ўтди. Ивга хамма гапани айтиб бўлган, у бўлса хамма тешиккулчаларни пок-покиза тушириб бўлган эди, шунда Ивга яна гап бошлади:

– Сиз нима дейсиз, жаноби олийлари? Гапиринг!

– Сенга айтадиган гарим шуки,– деди судья охирги тешиккулчани чайнаган...– Каердан олдинг бунака ажойиб тешиккулчаларни?

– Еяверинг, ош бўлсин, жаноби олийлари. Каердан олардим? Бозордан сотиб олдим. Айтинг, нима дейсиз менинг ишим хакида?

– Мана бу тешиккулчамисан, тешиккулча, койил! – деди судья огзидагини чайнаган, тамшаниб.– Сенинг ишингми? Биласанми, жони-дилим кўкнор уруги сепилган тешиккулча; канча кўп сепилса, шунча яхши... Ишингми? Ёғиям кават-кават... Мазали, жуда мазали кулчалар!.. Сенинг ишинг масаласи!.. Ундан кейин, жуда сингитиб пиширибди! Ё..Хали мен сенинг ишингни кўрмаганман, эртага кел, ўшанда айтаман,– тешиккулчаларни еб битирган судья шу гапларни айтиб уйдан чиқаркан, хамон уларни мактарди: – Зўр тешиккулчалар! Ўлай агар, уйимда ҳеч қачон бунака кулчаларга огзим тегмаган!

Мана, ниҳоят, тешиккулчалар судьяга ёққанидан ва судьянинг бугун ишни битириб, эртага Левкони озод қилишига тўла ишонганидан Ивганинг кўнгли таскин топди. Майли, уни камчи билан савалашса ҳам шу ерда савалашсин-у, илло, кишлокка олиб бориб юришмасин; йўкса, таниш-билишлар олдида уятга қолади. Бу ерда савалашса, уни ҳеч ким танимайди, ҳеч ким гап-сўз қилмайди. Ивга қувнаб-яйраб тушлик қилди ва уй бекасига миннатдорчилик билдирди, унинг қай бир ишларини тикди, бироз ип ҳам йигириб берди-да, кейин камокхонага югуриб кетди. Нима бўлди, денг? “Рухсат берилмаган!”– деб бақирди унга солдат. Ивга ундан Левкони ҳеч қачон сўрок қилгани олиб боришмадими, деб сўради.

– Йўк!– деб жавоб қилди солдат.

О, қандай мусибат! Бечора киз ўзини ўтга-чўкка урди, аммо ҳеч нима қилолмади!

Эртасига эрталаб судьянинг олдида борди. Уни ўз хуторига жўнаб кетганини айтишди; дам олиш кунлари келиб қолган эди; демак, ҳеч қачон суд бўлмайди.

Ивга орзика-орзика, юм-юм йиглай-йиглай бегим кун келишини кутди. Мана, судья хуторидан қайтиб ҳам келди. Ивга яна тўрт шода тешиккулча сотиб олиб, судьяникига қайтиб борди.

Судья тешиккулчаларни кўрдию дархол хужумга ўтди. У огзида чайнаётган овқати билан Ивгага деди: “Вуй, мунча кўп!.. Мен буларни бир ўтиришда еб тугатолмайман... Лекин айбдорман сенинг олдингда: бутунлай хотирамдан кўтарилибди ишинг! Энди бироз чидайсан... Хал қиламан албатта сенинг ишингни... мана худди манави...”

– Ҳеч бўлмаса, бугун эсингиздан чиқарманг, жаноби олийлари!

– Эсимдан чиқади, худо ҳақки, эсимдан чиқади. Ишим шу қадар кўпки, бурнимни артишга ҳам вақтим бўлмайди. Мана, ҳозир ҳам судга шошиб кетяпман.– Судья шу гапларни айтarkan, кетишга отлана бошлади, еб улгурмаган тешиккулчаларни чўнтақларига тикиб олди.

– Мана, сиз судга кетяпсиз-у,– деди судьянинг харакатини кузатиб турган Ивга,– кулчаларни еётганингизда, ким олиб келганини ўйласангиз, дарров мени эслайсиз.

– Майли, кўраман!– деб жавоб килди судья.– Иш орасида овкат ейишга ейман-у, аммо сени эслолмаслигим аник. Ишим бошимдан ошиб ётибди: хаммасига имзо чекишим керак, бундай пайтда мен хеч нимани ўйламайман, факат имзо чекаман. Яхшиси, сен, тасаддук, бундай кил: оркамдан суд махкамасига боравер, мени ўша ерда кут. Сени кўриб коламану дарров эслайман.– Шу гапдан кейин у йўлга тушди.

Нима килсин – Ивга хам унинг оркасидан кетаверди.

У махкама олдида у ёқдан-бу ёкка юриб турди, Дахлизга кириб мўралади – судья кўринмади; демак у Ивгани эсламаяпти; Левкога одам юбормаяпти.

“Шу топгача судья тешиккулчаларни еб бўлган бўлса керак,– деб ўйлади махкамага кираверишда ўтирган Ивга.– Тешиккулча еётганда эсламаган, энди бутунлай эсламайди мени”.

Мана, махкамадан одамлар чика бошлашди. Судья хаммадан олдинда келарди; у Ивгани кўриб, келишилган битим эсига тушди ва хамрохларига караб деди:

– Йўк, йўк, биродарлар, шошманглар! Жуда мухим бир иш бор. Бери кел, яхши киз, кани айт-чи, кандай иш билан келгандинг?

– Ивга арзини баён кила бошлади... Шу пайт у кунги котиб (Ивга уни таниди) гирт маст холда судья олдида пилдираб келиб, бурнакисини хидлаганча деди:

– Биз бу ишни хал килиб бўлганмиз.

– Качон?– сўради судья.

– Ўтган жума куну, ўша муттахам ўгрини камчи билан савалаб. Кўчирма килиш хакидаги хукмга сиз хам имзо чеккансиз.

– Ана, кўрдингми!– деди судья Ивгага.– Мен кўл кўйибман, энди иложи йўк. Бугун кўл кўйганимда хам бошка гап эди, ўтган хафтанинг жумасида бўлибди. Индинга бир хафта бўлади...

– Демак, мухтарам пан, бу сизга мазали тешиккулчалар олиб келган куним бўлган экан-да?– деди Ивга судьяга таъна килиб... Гапираркан кўзлари гилт-гилт ёшга тўлди... Ха, шундай шумхабарни эшитганди шўр пешона киз!

Судья унинг таънасини локайдлик билан эшитаркан, гапига кўшилишиб дерди:

– Ха, тасаддук, тўгри. Сен эрталаб олиб борувдинг тешиккулчаларни, мен кундузи имзо чекибман. Ха, бу жума куну бўлган эди.

– Яхши килибсиз. Худонинг ўзи сийласин сизни!.. Ахир нега уни сўрок килмадингиз?

– Бу канакаси, котиб? Нега у сўрок килинмади?– деб сўради судья.

– Нега сўрок килмас эканмиз? Ахир ўзингиз сўрок килиб бўлиб имзо чекдингиз-ку!

– Имзо чекишга-ку, чекдим, лекин уни кўрганим хам, сўрок килганим хам эсимда йўк! Хеч эслолмаяпман.

– Сиз хеч качон хеч нимани эслолмайсиз,– деб сухбатга нукта кўйди котиб ва шапкасини бостириб кийди-да, судьядан олдинга ўтиб кета бошлади; судья хам энди Ивгага кайрилиб карамай, уйига жўнаб колди.

– Шўрим курсин, энди зоримни кимга айтаман?– деб хўнграб йиглай бошлади Ивга.– Энди бечорани савалаб... сургунга суришади.

– Кўй, хафа бўлма,– деди эшик олдида чиккан бир махкама ходими. Бу иш хали губернияга жўнатилган; у ерда, русларнинг таъбирича, яна бир ойча ётади, кейин тагин бу ёкка жўнатишади; шундан кейингина жазога тортиб, сургун киладалар.

Мажоли колмаган Ивга уйга зўрга етиб борди... Ўксиб-ўксиб йиглади... кун бўйи туз хам тотимади... Жахл устида судловчиларни кар-габ, бошларига минг-минг бало-офатларни ёгдирди! Нима бўларди? Бало хам урмайди уларга! Бу суд килувчилар хеч нимани

билмаган холда одамларни суд килишади, котиб олиб келган хукномаларда нималар ёзилганини ўқимади имзо чекишади... шошмай туришсин, хали бурунларидан булок бўлиб чиқади хаммаси... Биронта хам кусурлари бежазо колмайди!..

Эрталаб ўрнидан турган Ивга, бу ерда гамга ботиб ўтиргандан фойда йўк, бирон иложини топиш керак, деган карорга келди. “Ишни губернияга юборишган экан, мен хам бораман ўша ерга, худонинг панохида!” У бир зумда йўлга отланди: керакли буюмларини сафар халтага солиб, елкасига осди, кўлига таёк олди... Йўлга тушди. Жуда чарчаган пайтларида, яхши одамлар уни уйларига киритишди, баъзида арваларига ўтказишди; бутунлай холдан тойиб силласи куриган чоғларда эса, кимларникидадир то ўзига келгунча бир-икки кун дам хам олди. Ишкилиб, бизнинг Ивга ниҳоят бир куни губерния шахрига етиб олди...

– Вой... нима бу... қандай жой бўлди бу?.. Ё биби Марям, ўзинг асра!.. – деб чинкириб юборди тепа бошига чикиб, пастда ўзининг кичкинагина кишлогини эмас, улкан губерния шахрини кўрган Ивга... Бу манзарадан нафаси қайтган Ивга, кўзи камашиб, шахарга қандай кўз ташлашни хам билмай ичи музлаб кетгандай бўлди... “Қарадим-қарадим...хеч ерда шахарнинг охири кўринмайди!..– деб хикоя қилган эди Ивга кейин.– Черковларни айтмайсизми – сон-саногини йўк! Хаммаёқда дангиллама иморатлар!.. Ўлмасам, шу ерда ишимни пишираман, деб ўйладим... Ахир курук қайтмайман-ку, уйга”.

Ивга теран хаёлга толди: бас, биз хам энди ундан хавотир олмасак бўлади. Сиз хам, китобхон, уни ёлғиз деб, рахнамаси, маслахатчиси йўк деб шундай катта шахарда бир ўзи панлар жамоасида ўзини қандай тутаркин деб (Ивга, кишлокда хамма мужик бўлганидай, шахарда одамларнинг “бари панлар” бўлса керак деб ўйларди) сира хам кўркманг; у ким билан қандай муомала қилишни, Левко хақида нима деб гап очишни билмай, боши котди.

У биринчи тўғри келган кўчага кириб, шахарда яшайдиганларнинг хаммаси хам панлар эмас, бу ерда авом халк хам кўп экан, деган карорга келди. Бу хол унинг кўнглини тинчитиб, рухини кўтарди.

Бахти бор экан, яшаш учун ўзига жой топди. Кичкина кизчаси билан яшовчи бир аёл Ивгани, рўзгор ишида ёрдам кўрсатиши шарти билан оз микдордаги ижара хақиға хонадонига киритди. Ивга дам олаётган ё тушлик қилаётган пайтида, уй бекасига ўзининг қаердан ва қандай иш билан шахарга келганини сўзлаб берди.

Бека кўлларини белига тираб, азда-базда бош иргаганча: “Билмадим, қандай эпларкинсан буни!”– деди. Сўнг Ивгага бу ерлик судловчи панларнинг иш тутиш усуллари хақида сўзлаб берди. У кўп нарсани биларкан, чунки кичкина кизлик пайтидан бойларнинг хонадонига хизмат қилган экан: киз тугиб олганидан кейин эса, бир котибникида энағалик қилибди, шунинг учун, ким котибникига нима билан қандай кириб келишини хам, кимнинг қайси эшиқдан чикиб кетишини хам жуда яхши билиб олган экан. Гап орасида бека яна шундай деди: “Сен катта мансабдор панлардан кўркма; пан канча улуг зот бўлса, шунча оккўнгил, меҳрибон бўлади. Лекин, кўрмаганнинг кўргани курсин, деганларидай, агар ялангоёк мужик атаман бўлгудай бўлса, ана унақа одам сени назар-писанд қилмайди; мабодо сардор бўлиб колса-чи! О, худо сакласин! Ундай пандавокига якин хам йўлай кўрма. Аммо панлар унакамас: унакалар билан учрашганигда, хеч кўркмай шахдам-шахдам гапир, факат рост гапир, зинхор ёлгон сўзлай кўрма; бўлмаса, ўша захоти думингни тугишади”.

– Мен қандай қилай, холажон? Агар каттакон паннинг олдиға борадиган бўлсам, бирон нима кўтариб боришим керак-ку ахир, арз қилиш учун.

– Худо сакласин! Тўгри, эскиликка амал килувчи панлар ҳам бор, унакалар сен кўтариб борган биронта кичкина тешиккулчани, кўнглинг учун, хафа бўлмасин, деб кабул килишлари мумкин; мукаддас нон олиб борсанг, уни ўпиб кўядилар-да, сенга йўл-йўрик кўрсатиб, доно маслахат берадилар. Бу факат улуг панларда шунака таомил. Лекин кичик мансабдаги “панваччалар” ва “чалапанлар”дан эҳтиёт бўлишинг керак! Нарса тортик килсанг-килмасанг – уларга барибир; агар олдиндан келишиб олиб, бирон нима берсанг. Бу кам. Яна олиб кел, дейишади. Ундай олгирлардан худонинг ўзи асрасин”. Сен юрак ютиб, тўгри энг катта мансабдор паннинг олдига бор.

Бека бутун окшом панларнинг удуми тўгрисида сўзлади, Ивга эса, хаммасини кўнглига тугиб олди ва бу ишга кандай киришиш хакида ўйлай бошлади.

Бу гап шанба куни кечкурун бўлган эди, якшанба куни эса, Ивга ўрнидан тургач, ясаниб кийинди-да, шаҳарни томоша килгани чикиб кетди. Кейинчалик, бу ҳақда сўзлаб берганида, худди ўрмонга кириб колгандай кўркиб юрдим, деган эди. Бозорда тумонот одам, ўтиб бўлмайди, акалли битта ҳам таниш учрамаса-я! Хеч ким сенга таъзим ҳам килмайди, сендан хеч нима сўрамайди ҳам... Йиглайвериб хун бўлдим!.. Худди етимчадек тентираб юрибман, денг. Бир маҳал черков кўнгироклари бонг ура бошлади... Жаранглашини эшитсанглар эди! Халигача янграйди кулогим остида! Шунда мен энг катта, энг чиройли черковга караб йўл олдим. Нима бўлди, денг! Солдатлар мени черковга киритишмади, ярим танга пул узатгандим, пулимни ҳам олишмади, черковгаям киритишмади. Лекин мен, барибир, у ердан олислаб кетмадим. Одамларнинг ибодатдан чикишини кутдим, зора-мора катта амалдор панларни якиндан кўриб колсам, деб. Аксига юриб, мен пан исправникка ўхшаган мансабдорни хеч кўрмаган эдим; ўшаниям икки-уч мартагина кўрганман. Ўз шаҳримда гарчи судловчи амалдорларни кўрган бўлсам ҳам, менга кўрсатган муомалаларидан кейин, уларнинг панлар эканига гумоним бор. Ахири чошгохга бориб одамлар черковдан чика бошлашди... Вой бў-ў! Ана одамлару ана жаноблар!.. Кўзим битта мансабдорга тушди... унинг олдида ҳам, оркасида ҳам, атрофида ҳам нукул панлар, панлар! Ўзи канака денг! Ёкасига ҳам, енгларига ҳам зарҳал кашталар тикилган, бўйнига бўлса бир нечта хоч осилган! Кўкрагида олтин юлдуз, елкаси оша кип-кизил кенг лента ташланган, елкаларидаги попуқлар чўгдай товланади, хуллас, бошдан-оёк порлаб турибди: карасанг, кўзинг камашади! Унинг олдида югуриб боришаётган панлар одамлар орасидан йўл очишади, ёнида келаётган панлар ҳам, унга гард .юктирмаслик учун атрофида парвона. Бу олий мартабали апан файтонга ўтираётганида, отлар пишкириб, депсиниб туришди, кейин улар кушдай учиб кетишди, жаноб пан бўлса, дам ўнгга, дам чапга нукул таъзим киларди. У амалдорга таъзим килиш менга ҳам насиб этди, факат узокда турганим учун мени у кўрмагандир ҳам. Ёнимда турган бир аёлдан, бу пан ким, деб сўраган эдим, у: “губернатор жаноблари”, деб айтди... Ўша куни мен панларни тўйгунимча томоша килдим!..

Кейин бекага дедим: “Агар губернатордан бирон гап сўрайдиган бўлсам, рўпарасида тиззаларим калтираб тик туrolмай, йикилиб тушишим мумкин. Кейин кандок тураман?” – Кўркма,— деди бека,— у эл олдида шунака салобатли кўринади, бутун юртнинг бошлиги бўлганидан кейин, халк хурматимни килсин, кадримга етсин, дейди-да. Лекин уйига борсанг, сени очик юз билан кутиб олади. Мулойим, ширин гапириб, арзу холингни ўн марта лаб тинглайди, агар бажарса бўладиган иш бўлса, ёрдами аямай, тезрок тўгриланглар, деб буюради; бордию у бажара олмайдиган иш бўлса, нега ва нима сабабдан бажариб бўлмаслигини сенга яхшилаб тушунтиради; кўнглингни кўтаришга

уриниб, кандай иш тутиш лозимлиги хакида маслахат беради. У кашшокларга доим садака улашади. Сен хеч кўркма – у меҳрибон одам, худди ўз отангдай.

Шу куни кечгача Ивга яна сахар айланди, бир яхши одамдан суд маҳкамалари жойлашган иморатнинг каердалигини сўради. У одам Ивгага, “Сен мураса палатасига бор” деб маслахат берди; Ивга ўша одам таърифлаган иморатлардан учтаси ёнидан ўтди. Яёв юриб келаётган ё извошда бораётган панларни кўрганида, уларга тикилиб-тикилиб каради, башарти биронтаси билан гаплашишга тўғри келса кўркмаслик учун. Шу куни у катъий бир карорга келиб ухлагани ётди, лекин хадеганда уйкуси келавермади – у эртага нима бўлишини ўйларди...

Тонг отди. Ивга ўрнидан туриб, чин дилдан худога ибодат килди, хатто ундан мадад сўраб йиглаб ҳам олди. Кейин кетди. Йўл-йўлакай черковга ҳам киришни ва “худонинг бандаси Левкони ибодат чогида дуо килиш” учун хазратга садака беришни ҳам унутмади. Суд маҳкамаси жойлашган иморатларни у дарров топди ва ичкарига кирди... Э худо! У нима килиши мумкин бу ерда? Хаммаёқда эшиклар, эшиклар, эшиклар; у ёкка борсаям эшик, бу ёкка юрсаям, эшик билан зина; хамма ёкда эшиклару зиналару эшиклар... Карайдиган бошка хеч нима йўк! Одамлар дам у ёкка, дам бу ёкка тентираб юришибди, ёш панлар бўлса нукул югуриб ўтишади, извошларда келган панлар саломлашишади, ўзаро сухбатлашишади. Бизнинг шўрпешона Ивга бўлса, худди ўрмонда адашиб колгандай, нима килишини, каёкка боришини билмай, донг котиб турарди – у палатанинг номини эсидан чиқариб кўйган эди! “Палата каерда?”– деб сўрадиям. Унга жавобан: “Кайси палата? Бу ерда палата биттамас”, дейишди. У бўлса хеч эслолмайди, денг. Мана, ниҳоят эсига тушди: “Мураса палатаси”. Кулиб туриб унга палатанинг каердалигини айтишди. Шунда ҳам Ивга бир неча марта адашиб, ахири топди ва ичкари кирди... “Ким керак сенга?” деб сўради ундан бу ерда ўтирган солдат.”Амакижон, шуми халиги.... палата му... ро...”– “Шу”. Мана, Ивга солдат кўрсатгана эшикдан ичкарига кирди. Бу жудаям узун хона бўлиб, хамма ёкда столлар, столлар ортида ёш панлар ёзиб ўтиришарди.

Ивга кириб, олдин чўкиниб олди, ёш панларга эгилиб таъзим килди ва сўради: “Худо сизларга мадаккор бўлсин! Муборак душанбада соғ бўлинглар!”

Ёш панлар ўзаро бир-бирларига караб, мийигларида кулишди, лекин индашмади. Шунда улардан биттаси ёзаётган ишини тугатиб ўрнидан турди, Ивгага якин келди-да, очик юз билан мулойим оханг-да сўради: “Сенга нима керак эди, яхши киз?”

– Бизнинг Левко хакидаги иш сизлардами, жаноби олийлари, деб сўрамокчийдим.

– Канака Левко?

– Бизнинг Левко, отамнинг асранди ўгли.

– Кани менга айт-чи, ўзи кайси уезддан келдинг?

– Нима десангиз денг, лекин буни айтмайман.

– Нега айтмайсан?

– Негаки, ўзимам билмайман.

– Нима килган эди ўша Левко?

– Биласизми: айтишларича, у отамнинг пулини ўғирлаганмиш.

Ана шунда бу пан бир коғозни олиб, уни бошдан-охир ўкиб чикди ва Ивгадан: “Шуми?” деб сўради...

– Ха, шу эди!

– Хўш, нима истайсан ўзи?

– Истайманки, атиги... жаноби олийлари. Биздаги судловчилар уни суд килишди-ю,

аммо сўрок килишмади. Бориб уни сўрок килишни кимдан сўрасам бўлади? Унинг айбдор бўлиши гумон; мен “барака топинг, рахмат”, деган бўлардим сизларга.

– Нега бунча кечикиб келдинг-а, яхши киз? Унинг иши хал бўлган, хозир бу иш губернаторга юборилган...

– Вой, ўлмасам, шўрим курибди! Нима, энди уни Сибирга жўнатишадими?

Ёш панлар факат елкаларини учирешди.

– Бир яхшилиқ килинг, жаноби олийлари, бирон йўл-йўрик кўрсатинг, мен шўрлик нима килишим керак? Сиздан жуда-жуда миннатдор бўлардим... Уни сўрок килишмаган.

– Мен ҳеч нима килмайман,– деди ёш пан,– энди ҳеч ким ёрдам беролмайди унга.

Килган айбига яраша жазосини олиши керак. Сен кет, каердан келган бўлсанг, ўша ерга кет; бу ерда туриш мумкинмас.– Шундай деб у ўз иш жойига йўл олди, лекин Ивганинг йиглай бошлаганини, хатто айюханнос солишга чоғланаётганини кўриб, солдатни имлаб чакирди; солдат Ивганинг елкасидан астагина ушлаб, дахлизга етаклаб чикиб кетди.

Бахти каро Ивга адойи тамом бўлган эди!

Кўзлари гилт-гилт ёш бўлганидан у ҳеч нимани кўрмас, хатто каёкка юриш, каёкдан чиқишни ҳам билмасди! Рўпара келган одамлар энди унга эътибор бермай, ёнидан ўтиб кетарди. Силласи куриган Ивга гоҳ кокилиб, гоҳ адашиб, бошка йўлакларга кириб, анчагача бино ичида тентираб юрди... Нихоят, эшик олдига чикдию боши айланиб, йикилиб тушди.

“Энди нима килдим? – деб ўйлардим у ётган ерида дув-дув кўз ёш тўқаркан.– Унинг иши буткул тугабди... Адойи тамом бўлади энди боякиш Левко! Ишини губернаторга юборишибди, у бўлса Левкони камчи билан савалаш хакида аллакачон буйрук юборган бўлиши керак... Ох, бу кандай кўргулик! Камчилаганларидан кейин, хали яна Сибирга ҳам хайдашади!.. Мен билан ҳам хайрлашолмай кетади!.. Никоҳдан ўтган бўлсак ҳам майлийди, мен ҳам оркасилан эргашиб кетаверардим; энди бир ўзим бу ерда сўппайиб коламан!.. Отам гийбатларга учиб, мени уйдан хайдайди... Ё бўлмасам, мени зўрлаб мирзага эрга беришиб, умримни хазон килишади... Левко ҳам олис йўлда менсиз жувонмарг бўлади, етиб боролмай! Биламан, у мени астойди севарди... Менсиз хароб бўлади!..Вой, ишкилиб уни жўнатишмасин-да, то кайтиб боргунимча! Вой, мунча пешонам шўр бўлмаса!.. Качон етиб бораркинман у ёкка? Агар кечиксам... унда ўлганим яхши... Ўз жонимга ўзим касд киламан!..”

– Хой киз, нима кияпсан бу ерда? Нега ётиб олиб йигляпсан? Эт-бетинг огрияптими?– деган овоз эшитди Ивга; кимдир унга савол бераётган эди. У бошини кўтариб каради... Тепасида бир пан турарди; афтидан, кўнгилчан одамга ўхшайди.

– Бошимга тушган огир мусибатдан йигляпман, отагинам... Ахволим жуда огир!..

Пан унинг ахволини сўраб-суриштираркан, мудом юпатарди; Ивга йиглаб-йиглаб ўз дардини сўзлаб берди.

Пан кизнинг арзи холини бошдан-оёқ диккат билан тинглади, ахволига тушунгач, шундай маслахат берди:

– Сенга рахмим келяпти, оппок киз, бу ишингни хали тўғриласа бўлади. Сен шу ерда тур. Хали-замон бу ердан губернатор ўтади. Сен уни тўхтатиб, хамма бўлган воқеани бир бошдан сўзлаб бер. Шояд, у сени кўллаб юборса...

– Отагинам, жаноби олийлари... сизни нима деб чакиришням билмайман! Шундай улуг одамга рўпара келишим одобданмикин? Колаверса, унга икки огиз сўз айтишга курбим етармикин? Мен у жанобнинг юзига карашга ҳам кўркаман.

– Ҳеч нимадан кўркма. Унинг факат кўриниши шунака – вожохатли, лекин кийналган

одамни кўрса, ўзи ундан хол-ахвол сўраб, ёрдам килади. Факат чўчима!

Оккўнгил пан кизга маслахатлар бериб, кандай иш тутишлигини ўргатди, кўнглини кўтарди; Ивга ўрнидан туриб, бу паннинг оркасидан юрди ва у кўрсатган муюлишга, яъни губернатор ўтадиган ерга бориб турди.

Мана, орадан сал вақт ўтар-ўтмас, одамлар хар ёкка гиз-гиз югуриб колишди:

– Губернатор келяпти...Губернатор келяпти!..

Бизнинг Ивга гапирадиган гапларини унутиб кўйганди, ҳеч бир гап эсига келмасди; у губернаторни кўриб, кўркиб кетди, калт-калт титрай бошлади... Кошкийди, ер ёрилсаю, ерга кириб кета колса!..

Губернатор якин келиши билан, Ивга унинг оёғига йикилиб, хўнг-хўнг йиглай бошлади... Йиглаб туриб ҳеч бир сўз айтолмади...

Нима бўлди, денг! Губернаторнинг ўзи уни ердан ўз кўллари билан кўтариб тургазди ва мулойим овоз билан ундан йиглаши сабабини сўради.

Киз бўлса эсанкираб колганидан, факат: “Раҳм килинг! Раҳм килинг!” дерди, вассалом.

Губернатор ундан биронта бамаъни гап эшитмокчи бўлиб узок кутди, уни юпатишга уринди. Лекин киз ўзини йўкотиб кўйган эди. Шунда губернатор унинг тирсагидан ушлаб шундай деди: “Менга кара, ойимкиз! Хозир сен кўркиб кетдинг, шунинг учун ҳеч нима деёлмаяпсан, менинг эса хозир вақтим йўк, ишларим кўп. Сен, яхшиси, менинг уйимга бор; то кайтгунимча ўша ерда дамнингни олиб ўтир, кейин ҳамма гапни айтиб берасан. Сен кўркма, кўркма мендан; ёрдам киламан сенга. Жандарм! Бу кизни меникига кузатиб кўй, йўлда хафа килма уни; уйдагиларга айт, то мен кайтиб боргунимча, яхшилаб корнини тўйгазишсин”. Мана буни раҳбар дейдилар, мана буни хакикий ота дейдилар!

Ивганинг кўзи чакнаб кетгандай бўлди. У йигидан кейин бир зум дам олгач, жандарм билан бирга губернаторнинг уйига жўнади. У ерда уни бир хонага олиб киришди. Ок нон ва турли хил тансик егуликлар келтиришди... Лекин шўрликнинг томогидан хозир овкат ўтармиди; бошига тушган машъум савдодан бошка ҳеч нима келмасди унинг хаёлига. Хали бу ёғи нима бўларкин?

Губернатор бир неча соатдан кейин кайтди. Уйга кириши билан: “Каерда у киз?”– деб кичкирди. Ивгани кўриб, уни мехмонхонага бошлаб кирди... Бу мехмонхона, кейинчалик Ивга таърифлаб беришича, жуда кўркам жой эди. “Унинг шифти жудаям баланд, деразалари худди эшикдай катта-катта, эшиги эса нак дарвозадай эдики, бу ерга бир неча гарам пичан ортилган аравада ҳеч ерга урилмай, туртилмай бемалол кириб борса бўларди. Хонанинг шифти ҳам, деворлари ҳам, оёк ости ҳам хар турли бўёклар билан безатилган... Кўрсанг, кўзинг кувонади! Вой, кўзгуларни айтмайсанми! Хаммаёкда кўзгу. У ёкка карасанг ҳам ўзингни кўрасан, бу ёкка карасанг ҳам: каёкка кўз ташлама, хаммаёкда сен кўринасан худди тирикдай. Нак кўркиб кетдим, ўзимни биринчи марта кўзгуда кўрганимда!”

Унинг эсанкираб колганини кўрган губернатор: “Сен шу ерда бирпас дам олиб ўтир, мер дарров кайтаман”,– деди ва хонадан чикиб кетди.

Ивга кўзгуга караб, у ёк-бу ёғини тузатган бўлди, энди ўзини анча тетик хис кила бошлаган эди; шу маҳал губернатор кириб келди. У мулойим жилмайиб киздан сўради: “Кани, яхши киз, энди менга ҳамма-ҳамма гапни сўзлаб бер: каерликсан, отанг, онанг борми, кандай арз билан келдинг бу ерга?”

Ана шунда Ивга ҳамма бўлган воқеани бошидан то охиригача, хаммасини батафсил гапириб берди.

Губернатор унинг арзу холини эшитиб бўлиб, шундай деди: “Йўк, яхши киз, сенинг

Левконг фирибгар; уни иккита судда сўрок килишган, у айбини бўйнига олиб бармок босиб имзо хам чеккан. Бу иш менинг кўлимда”.– Шундан сўнг у бошка хонага чикиб кетиб, бир даста когоз кўтариб кирди. У когозларни вараклаб-караклаб Ивгага кўрсатди: “Мана, бу ерда у отангинг пулини бир неча марта ўгирлаганига икром бўлган. Мана, унинг номидан имзо чекишган, судьялар хам кўришган унинг ишини, у ана шу судьялар гувоҳлигида айбини бўйнига олган”.

– Отахон, жаноби олий.... сизни нима деб аташням билмайман! Пан жаноблари, губернатор хазратлари, азизим! Бу тўгри эмас, уни сўрок килишмаган: касам ичиб айтаман буни. Сўрок килинганида, Левко айтарди менга, аммо-лекин у сўрок килишларини илтимос кияпти, худди садака сўраган гадойдай. У жуда мухим бир гапни айтмоқчига ўхшайди. Мен унга кўпрок ишонаман сизнинг судьяларингиздан кўра, ўша судья, Левкони сўрок килдим, деб кўл кўйган бўлсаям, унинг хамма гаплари гирт ёлгон; у факат одамлар олиб борган тешик кулчаларни ейишни билади.

Губернатор тешиккулчалар хакидаги гапни эшитиб кулиб кўйди.

– Кўзингни оч, киз,– деди у кейин,– сен жуда жиддий гап айтдинг; судьялар сўрок килмаганлигини хали уларга исботлаб беришинг керак бўлади.

– Сўрок килишмаган, килишмаган, жаноби олийлари! – деб чин-кириб юборди Ивга.– Обкелинг уларни олдимга. Мен бу гапимни уларнинг юзларига айтаман. Ахир Левко, сўрок килишсин, деб бекорга айтмади-ку...

– Мана ахир,– деди губернатор когозларни кайта вараклаб, кайта ўкирган,– одамлар сенинг Левконгни ўгри, хулки ёмон, деб касам хам ичишган...

– Ёлгон хаммаси, худо урсин агар, гирт ёлгон!– деб Ивга энди дадил-дадим гапира бошлади.– Унинг ҳеч канака ёмонлик томони йўқ, мен уни хаммадан кўра яхшироқ биламан. У умрида ҳеч қачон ҳеч нима ўгирламаган, зигирдаккинаям ёлгон гапирмаган. Сиз яхшироқ каранг, одамлар хам Левконинг сўрок когозига кўл кўйганини бошкача исботлашгандир, эхтимол.

– Яхши,– деди губернатор,– мен буни аниклайман. Сен эртага палатага бор, ўша ерда сенга хаммасини кўрсатишади.

– Мен шўрлик, мухтарам жаноб, биламан, ўша Муроса палатасини. Кечирмаган азобим, кўрмаган ерим колмади. Мени деб шунча урундингиз, раҳмат сизга. Эртага ўша айтган ерингизга барвактрок етиб бораман. Сизнинг хам эсингиздан чикмасин, албатта боринг, ўша жойда биргалиқда, текшириб кўрамиз, ёлгончи ким: менми ё сизнинг судьяларингизми? Хайр эртага кўришгунча.

Губернатор кулиб туриб, унинг кетишига рухсат берди. Ивга гул-гул яшнаган, хушбахт чехра билан йўлга тушди, йўлида учраган гадойу сўкирларга садака бериб ўтди. Уйга келиб, бутун окшом хушчакчак кайфиятда бўлди.

– Эрталаб у жуда барвакт турди; у бекасининг рўзгор ишида кўмаклашгандай бўлди-да, кейин отланиб палатага жўнади.

Суд килувчилар бугун кечагидан барвактрок ишга келишганди; губернатор хам хаялламай етиб келди, Ивгани кўриб шу захоти уни ўзи билан ичкарига олиб кириб кетди; унга кутиб туришни буюрди-да, ўзи суд килувчилар ўтирган хонага кирди, қандайдир пан бир даста когоз билан унинг оркасидан эргашди – Левконинг иши бўлса керак.

Губернатор ичкарида суд килувчилар билан анча вақт гаплашиб колди, кейин уларни ўзи билан бошлаб чикиб: “Мана бу киз, аристон сўрок килинмаган деяпти. Кани гапир ўзларига”, деди.

Сўрок килинмаган, судловчи панлар, бошимда ойболта ўйнатсанглар ҳам, барибир сўрок килинмаган, деб исботлайвераман. Левко ҳеч қачон менга ёлгон гапирмаган; доим савдода тушган пулнинг тийинигача олиб келиб берарди... Унинг ёлгон сўзлаганини ҳеч қачон сезмаганман, шунинг учун, мени сўрок килишмади, деган гапига ишонаман; гапим тўгрилигига касам ичиб, хатто бир ховуч тупрокни ейишдан ҳам кайтмайман; мен рост гапиряпман, лекин анави хукмга қўл қўйган судьялар гирт ёлгончи хаммаси. Левкони хулқи ёмон, деб одамлар номидан ким имзо чеккан бўлса, у ҳам ёлгончи. Гапим шу! Лекин ҳеч ҳам сизлардан хафа эмасман, судловчи панлар, сиздан ҳам, губернатор жаноблари!

– Ҳўш, энди нима килмокчисизлар?– деб сўради губернатор суд ахлидан.

Улар бир-бирларига қараб қўйиб, елкаларини учуришди ва шундай дейишди:

– Сиз нима десангиз шу. Биз бу ишни ҳал қилиб бўлганмиз.

– Биламан, ҳал қилгансиз ва лекин ҳукм чиқаришда зинҳор адолатсизлик бўлмаслиги керак!– деди уларга губернатор.– Сизлар бу киз айтаётган гаплардан беҳабарсиз; факат коғозга қарагансиз, коғозда эса, ҳамма гап сип-силлик ёзилган. Бу киз эса у ерда бўлган, ҳамма гапдан хабардор, аристонни сўрок қилмаганлар, деб касам ичишга ҳам тайёр. Ишни қайта қўлга олинглар, уни бу ерга чакиртириб сўрок қилинглари-чи, нима мақсадда ўғирлик қилган экан?

– Мен буни шундоқ ҳам биламан,– деди Ивга.– Биз турмуш курганимиздан кейин рўзгоримизни бошқа қилмокчийдик, шунга керак бўлади деб олган у пулни. Бунинг ҳеч қанака айбли томони йўқ: мен отамнинг қизиман, у отамнинг асранди ўғли, пул отамники. Бу ишни осонгина ҳал қилса бўлади, чунки Сибирга сургун қилишга арзийдиган гуноҳи йўқ унинг. Чакиртиринглари уни, сўрок қилинглари, нима учун отамнинг пулини олганини очик айтиб беради; шу билан уни бўшатиб юборасизлар.

Эҳ, Ивга, Ивга, рост гапираман деб, ишнинг пачавасини чиқараёздинг-ку! Сал бўлмаса, барча югуриб-елганларинг зое кетган бўларди, чунки суд қилувчилардан биттаси, унга эргашиб, қолган ҳамқасблари ҳам, сен айтган гапни олиб, чуғуллай бошлашди:

“Пулни нима мақсадда олган бўлса ҳам, ахир олган-ку; ўз отасиникиними, бегонаникиними, барибир, олган – сўрамасдан, сандикнинг қулфини бузиб олган; демак, ўғри”.

Губернатор пешонасини қашиб, бироз ўйланиб қолди, кейин чуқур тин олиб деди: “Ҳа, тўғри айтасизлар; лекин, барибир, унга одам юборинглари. Олиб қилишгач, сўрок қилинглари. Факат биргина сўздан нажот топиб, уни Сибирга сургун бўлишдан асраб қилиш мумкин. Мақтуб ёзинг, тезроқ уни бу ерга жўнатишсин. Сен бўлсанг, оппоқ қиз, уйингга бор, бир ҳафтадан кейин қелиб хабар ол”,– сўнг у бир панни чакириб, қаёққадир хат ёзишни буюрди – қаёққа? Буни Ивга тушунмади; хатда, ҳеч қим мақкур қизга тегмасин, уни хафа қилмасин, деб ёзилиши керак эди. “Бу қизни факат мен яхши биламан,– деди губернатор.– Сен, ойимқиз, агар бирон нимага муҳтожлик сезсанг ё бирон киши сени хафа қилгудек бўлса, тўғри менинг олдимга қелиб, сўрайвер нима керак бўлса”.– Шундай деб у ўз ишига кетди.

Ивганинг қувончи ичига сикмасди! У ҳам йиглар, ҳам қулар, ҳам губернаторнинг оёғига йикилиб, унинг қўлини, шунингдек, бошқа судловчиларнинг ҳам қўлини ўпишга уринарди...

– У ўзи турган уйга юрибмас, қушдай ўқиб борди, уй бекасини “чўлп-чўлп” ўпиб, Левкони бу шаҳарга олиб қелиб, шу ерда сўрок қиладиган бўлишганини, айтди. Энди уни Сибирга жўнатишмаслигини мақтана-мақтана гапирди. Севинганидан қун бўйи қўнгли яйраб

юрди.

Эртаси куни Ивга (худого шукурки, энди сахар кезиши лозим эмас эди) ишга киришди: кўли кўлига тегмасди! Тинмай кўшик куйлар, килаётган ишини тўхтатмай, нукул лаби-лабига тегмай, кизик-кизик гапларни хикоя килар, бека унинг хазил-хузул гапларидан котиб-котиб куларди. Иш хам пешма-пеш келиб турди; бир ишни тикиб улгурмасидан иккинчи буюртма келаверди. Хамма ёкдан уларга пул хам келиб тушаверди! Ивга хар хафта Левкодан хабар олдгани “Мураса палатаси”га боришни канда килмади: ундан дарак йўк эди. Тўгри-да, йўл олис бўлса: юз эллик чакирим келадиган йўлни яёв босиб ўтишнинг ўзи бўладими?

Кунларнинг бирида Ивга тиккан ишини буюртмачига олиб кетаётганида кўчада бўлаётган... кандайдир бир воқеага кўзи тушди. Жуда кўп одамлар, бир канча извошлар тўпланган, мусика гумбурларди! Бу тўй бўлса керак, деб ўйлади Ивга ва шахарликлар тўйи канача бўлишини кўргани якинрок борди. Кўрса, бу тўй эмас экан. Энг олдинги извошда учта машшок скрипка, бас ва цимбал** чолгуларида машк чалар, уларга яна доира хам жўр бўларди; иккинчи извошда иккита яхши кийинган, басавлат киши кўлларида вино солинган челакача ушлаб турарди: учинчи извошда бўлса, эгнига одми чопон, бошига казаклар калпогини кийган одам ўтирарди; у белига алвонранг кенг шохи белбог боғлаган, иккинчи шохи белбог билан бўйнини ўраб олган, кўлидаги яна бир белбог билан дам-бадам юз-кўзини артарди. Бу одам гирт маст бўлиб, ўртадаги извошда кетаётганларга дам-бадам хамма учраган ва ўтган-кетган каттаю ёшни арак билан сийлашни буюриб турибди; ичишни хохламаганларни эса, бутун кўчани бошига кўтариб бўралаб сўкаяпти, айни чоғда машшокларга хам, каттирок чалинлар, деб ўшқирмоқда эди. Оркасидан худди чигирткалардек гурра-гурра югуриб келаётган болаларга эса, бўйнига кизил лента билан осилган шохи рўмолдаги хар хил пряниклар, ёнголлардан сочи сочиб, уларни ўйин тушишга ундарди.

Ивга бу томошани яхширок кўриб олиш учун якинрок бора бошлайди, чунки уларнинг кишлогига ҳеч қачон бунақа мўъжизалар бўлмаган эди; буни сахар дейдилар, бу ерда ахмоклар ўзларини шунақа доно килиб кўрсатадилар. Мана, болаларни хурсанд килган бу одам: “Мусика! Олга марш!”– деб буйрук берди. Мусика извоши кўзгалди, унинг оркасидан хамма ёшу қари эргашди. Извошлар бир чиройли уй ёнидан ўта бошлашди; уйнинг чиройли деразалари яраклаб турарди. Тентак маишатпараст: “Тўхта!– деб кичкирди.– Ким бу уйнинг эгаси? Деразангни синдирсам канча сўрайсан?”

– Кўйсанг-чи хазилингни, бир сўлкавой хам олмайман, йўлингдан колма,– деди уй эгаси.
– Бекорларни айтибсан!–деди аракхўр ва бир уриб, дераза ойнасини чил-чил синдирди. Уй эгаси „дод“ солиб бакира бошлади, тентак бўлса ўн сўлкавойли коғоз пул чиқариб, унинг кўлига тутказаркан, деди: “Билиб кўй, мен эркин одамман, ишрат кияпман!”
У яна бир канча акл бовар килмайдиган хурмача киликлар килди. Каршидан асал чой сотувчи одам келаётганди. Тентак туриб, унинг чой идишига кўлини чўзди; ахволга тушунган сотувчи идишини унга берди. Мана, тентак чой идишини олиб, ундаги хамма чойни ерга тўкди-да, машшокларга, чалинганлар, деб буюрди ва ўзи шу тўкилган асал чой устида “гопак”ка ракс тушиб, чойни хаммаёкка сачратди, асал чой эгасига беш сўлкавой бериб, шўхлик килгани яна нари кетди.

Ивга оломонга кўшилиб бораркан, бу канача расм, деб сўради. “Бу йигит ёлланма аскар, дейишди унга. У янги аскарликка ёлланган, шунинг-чун бугун мирикиб ўйнаб колмокчи, кўнглига нима келса, шуни килиб, одамларга пул тўлаб ётибди, негаки, ёллангани учун анча-мунча ҳақ олган. Эртага унинг пешонасини устарада киришади, бугун кўнглига

сикканча ўйнаб колмокчи, ўтмишдан хотира бўлсин учун”.

Ёлланма аскар извошни тўхтатди ва одамларни арак билан сийлашни буюрди.

Болаларга ҳам ичиришди. Кейин уларни бир-бирлари билан муштлашишга ундаркан, бу жангни мирикиб томоша килди... Ивга бу одамга тобора якинрок бораркан, унга тикилиб-тикилиб каради... Кейин бирдан чинкириб юборди:

– Тимоха!.. Бу менинг акам-ку!.. Нима килиб юрибсан бу ёкларда?

– Ие!.. Ким бўлди бу?.. Вой, тавба, Ивга-ку, синглим-ку! Кай гўрдан чикдинг?.. Нима, пишириб кўйибдим сенга бу ерда?

– Ўзингни кай ахволга солдинг?.. Тушуняпсанми нима килаётганигни?

– Факат шу бугун тушундим, бугун мен эркин кушман, эртага: бир: икки, чап, ўнг, бир, икки, чап, ўнг...– Шундай деб Тимоха кўчада гандираклар-гандираклар марш килиб юра бошлади, халк унинг устидин котиб-котиб кулди...

– Аскарликка ёлланибсан, шу тўгрими, Тимоха?– сўради Ивга акасининг юзига якиндан тикилиб караркан.

– Тўгри.

– Унда, отамни кимга колдирдинг?.. Эсингни еганмисан, нима бало?

– Отамни... энди ўз холига колдирса ҳам бўлади: унинг пуллари... улардан ном-нишон колмади, хаммаси ковокхоналарга, киз-жувонларга сарфланди.. Ахири едим Левкони... Энди эрким ўзимда!.. Отамнинг сандигини кокладим... хувиллаб колди у... Сен, яхшиси, бизнинг мирзага эрга тег...

– Канакасига единг Левкони?... Нималар деяпсан?

– Айтайми?.. Озгина... Лакиллатдим... уни чакдим... Гумдон килиб бўпти Макуш ченкони! Тимоха абжир казак!

– Нима килиб лакиллатдинг уни? Кани, гапир... – Бечора киз! Бадмаст акасида гап суриштирмокчи бўлган эди, лекин унинг шериги, тагин синглиси акасини аскарликка ёлланишдан айнитиб кўймасин, унда шунча пулдан курук коламиз, деб ўйлаб, дарров пастга тушди-да, Тимохани извошга ўтказиб, “Кетдик яйрагани!”– деб бакирди. Мусика Дербент маршини чалди, доира “така-тум”и янгради. Извошлар оркаларида чанг-тўзон кўтариб жўнаб колди.

Оломон хар томонга таркала бошлади, Ивга сувга тушган мушукдай шўппайиб туриб колди... Ахир кандай бўлса ҳам жигари-ку...унинг кекса отасини ёлгиз колдириб, аскарликка ёллангани Ивга учун жуда аянчли ва ўкинчли эди. “У нима деди ўзи, деб эслай бошлади Ивга, отамнинг сандигини кокладим, дедими?.. Назаримда, у хамма пулни ўгирлагану уйдан чикиб кетган. Яна Левко хакида нимадир деди: Левкони лакиллатдим, уни едим, деди, шекилли? Хамма гапни ўзидан сўраб билиб олсам яхши бўларди, лекин шериклари Тимохани гапиргани кўйишмади. Кандай килсам, уни кайтариб отамнинг олдига юбораркинман? Шўрим курсин! Агар у отамнинг пулларини ўгирлаган, яна ёллангани учун ёлловчидан бирталай пул олган бўлса, кандай тўлаймиз ахир шунча карзни? Энди мен нима килдим?.. Нима? Губернаторнинг олдига бораман, у менга маслахат беради; ахир ўзи айтди-ку, агар бирон нима керак бўлса, тўгри уйимга келавер, деб... Бориб унга дардимни айтаман...”

У югуриб-елиб уйдаги ишларини битирди-да, губернаторни кизга хеч нимадан хайикмай, дадил кириб борди ва акаси Тимохани кўргани борми, унинг нима дегани борми – хаммасини губернаторга сўзлаб берди.

Губернатор дархол Тимохани кидириб топгани жандармларни жўнатди, Ивгага эса шу ерга кутиб ўтиришни буюрди.

Икки соатлардан кейин гирт мастлигидан ўзининг кимлигини ҳам унутиб кўйган худонинг бандаси Тимохани олиб келишди. Губернатор Ивгани парда оркасига кўйиб деди: “Ўзинг эшит унинг нима дейишини, айтдим, хозир уни бу ерга олиб киришади”. Тимоха канчалик маст бўлмасин, кимнинг олдида турганини тушунди. У ўзини хушёр кўрсатишга, хакикий аскардек каддини тик тутишга уринди; лекин каддини ростлаб, бошини адл кўтаришга канча ҳаракат килмасин, шу захоти боши айланиб, шилк этиб ҳам бўларди.

Губернатор унга дагдага килди: “Нега бунчалик мастсан?”

– Бир ялло килиб қолай дедим, олий... жаноби олийлари... Эртага кеч бўлади, эртага, соч... сочингни кирамиз, дейишди.– Тимоха шундай дадил жавоб бераркан, яна ер депсиниб ҳам кўйди. Ахир маълум-ку, дунёни сув босса, мастнинг тўпигига чикмайди.

– Канчага ёлландинг?

Тимоха ўйлаб-ўйлаб, пишиллаб-пишиллаб, эшлашга уриниб кўрди, гандираклаб-гандираклаб, юмилиб бораётган кўзини зўр-базўр очди, ниҳоят, кийнала-кийнала деди: У-уч ю-у-узга... ян-на э-эллик сў-ўммга.

– Канча олдинг?

– Хали факат яррмини, пан... аъло... жаноби... билмайман,

– Хаммасини ичиб тугатдингми ё хали колгани борми?

– Хаммасини... курритдим, жа... жаноби...олийлари! Тимоха аззамат йигит. Хўжайин бошка бермади; хали йўлда кер-рак бўлади, дейди. Отахон, айтинг, берсин. Ўл-лай агар, ўша колган икки юз сўмниям эртага кур-ритаман... куртдай килиб. Аскарликда менга пул керак бўлмайди: маош бер-ришади, теккинга бокишади.

– Нега отангни ёлгиз ташлаб кетдинг?

– Мен ташлаб кетмадим, мени ташлашди. Отамнинг пули колмади, отагинам, хаммаси куритилди.

– Ким куритди, сенми ё Левкоми?

– Йў... йў...йў.... Левко авлиё одам! Мен, отахон, жан... ноби...шуннака; мен ўмардим отамнинг хамма пулини...

– Левко-чи? У қачон ўгирлаган эди?

– Йў...йў... Мен кирдим отамнинг хонасига, эшик кулфмас экан... Карасам, сандик... сандикда... О, билардим, пул кўп эди!... Мен... ҳеч ким йўк эди.... Кулфни бузиб, олдим... Кўп пул олдим!.. Кейин отамни сандик тепасига бошлаб келдим... карасак, Левко ҳам кўлида пул ушлаб турибди... Олса олибди-да.. пулимиз кўп... камайиб колмасди, отамга Левкони чакмасамам бўларди... агар кишлогимиз мирзаси мени йўлдан урмаганида Левкони илинтирамиз, деди у, Ивгага мени куёв киласан... Шундан кейин Левкони Сибирга гум килдик...

– Губернатор маст Тимоханинг хамма айтганларини ёзиб кўйишни буюрди. То Левкони олиб келгунларича, Тимохани хибсда саклашни буюрди: аскарликка ёлловчи хўжайиндан колган икки юз сўмни ҳам ундиришди; губернатор Ивгани уйига жўнатаркан деди: “Агар хаммаси аканг айтгандай бўлиб чикса, худога шукр кил, кўнглингни бузма; балки Левконгнинг айби унчалик огир эмасдир”.

Ивга губернаторга кайта-кайта миннатдорчилик билдириб, бекасининг уйига кетди.

Шундан кейин бир-икки кун ўтгач, Ивга Левконинг келган-келмаганини билиш учун палатага борди. Акасининг каерга камалганини у хали билмасди; бир пайт жандарм от чоптириб келиб, унинг тезрок губернаторникига бориши кераклигини айтди.

Ивганинг юраги бир орзикиб тушди... Отланиб, тайинланган ерга борди.

Губернатор уни кўриши билан шундай деди: “Мана, олиб келишибди ниҳоят Левконгни, мен уни сўрок киламан, сен мана бу ерда туриб (у кизни яна парда оркасига олиб ўтди), унинг ўзини оклаб айтадиган гапларини эшит, кўрамиз, кандай важ топаркин!”

Ивга парда оркасида туриб, Левкони олиб келишларини кичик бир тешикдан кузата бошлади... Ё биби Марям, ўзинг панохинга ол! Кўзи Левкога тушганида чинкириб юборишига сал колди!.. Эй худо, бу Левкоми ё бошками? Таниш кийин. Чўпдай озгин, ранги докадай окарган, соколи патак бўлиб ўсиб кетган, бошининг ярим палласи устарада кирилган, эгнида... кўйлак деб атаб бўлмайдиган увада! Кўллари кишанда!.. Шўрлик киз! Юм-юм йиглари! Осон эмас эди унга суюкли махбубини бундай ахволда кўриш!.. Канийди иложи бўлса, шу аснода у отилиб чикиб, биринчи навбатда, Левконинг ойлаб ювилмаган, чанг, искирт юз-кўзидан айникса, кишан ягир килган билакларидан ўпаверарди, ўпаверарди... Мана, губернатор уни сўрок килишга киришиб: “Сен, бола, худди худога сигинаётгандай, бор хакикатни гапир менга, деди.– Агар факат рост гапирсанг унда, башарти, бирон-бир айбинг бўлса хам, жазоингни юмшатаман”. Левко олдин чўкиниб олди; сўнг ўз килмишлари хакида сўзлай кетди, Ивга унинг айтганини нафасини ичига ютиб эшитди.

Мана, Левко Ивгани кандай севгани борми, кизнинг отаси уни ўлгудай ёмон кўргани борми, Тимоханинг айшу ишратда ўгрилик килиб кун кечиргани ва унга, Левкога кун бермагани, устидан тухмат килиб, отасига ёмон кўрсатгани борми – хамма-хаммасини гапиргач, бундай деди: “Ота билан ўгилнинг зугумларига ортик токат килолмаганимиздан кейин, Ивга билан икковимиз никоҳ ўкитишимиз хакида маслахатлашмоқчи бўлдик. Мен ўзим жамгарган арзимаган эллик сўм пулни карзга бериб, ундан хам курук колдим – карз олган одам корасини кўрсатмай кетди. Менга каттик алам килган бўлса хам, Ивгага огиз очмадим бу ҳақда; биз никоҳдан ўтиш тўгрисида отамизнинг хуфия хонасида маслахатлашиб олмоқчи бўлдик, Ивга менга хонанинг калитини бериб, ўзи кўшникига иш билан чикиб кетди. Мен хонага кириб хаёл суриб ўтирдим. Бир махал кулогимга дахлиздан Тимоханинг шангиллаган овози келди, у мен ўтирган хона томон келаётган эди... Нима килишим керак эди? Бу ерда бир ўзим ўтирганимни кўрса, жанжал кўтариб мен билан муштлашишига бахона топилади... Кочиб чикиб кетишга кечиккан эдим: у дахлизда, эшикдан чикаётганимни кўрса, нега отамнинг хонасига кирдинг, калитни каёқдан олдинг, деб ёпишиб олиши аник... Ноилож, стол тагига бикиниб олдим. Тимоха кирди, биров йўкмикин деб у ёк-бу ёкка каради, деразадан мўралади. Хеч зог кўринмасди... Шунда у бурчакда турган болтани олди-да, “карс” этиб уриб сандикнинг кулфини бузди; сандикни очиб, бир нималарни кавлади, кейин пул тўлдирилган бир копчикни тортиб олди! Уни бутунича олиб кетмоқчи бўлдию, кейин ўйлаб туриб, огзини еча бошлади... У копчикдан сикимлаб пул олиб чўнтагига сола бошлади. У шошарди, шунинг-чун анча-мунча пул ерга сочилди. Шу пайт якин ўртадан қария Макуханинг овози эшитилди, Тимоха кўркиб кетди, албатта, шошганидан копчикни огзи очиклигича, пулларни ерга сочилганича, сандикни копкоги очиклигича колдириб, югуриб чикиб кетди. У кетиши билан мен худди кайнок сувда куйган одамдай стол тагидан отилиб чикдим... Худди безгак тутгандай даг-даг калтирардим! Эй рахмдил эгам! Нима килишим керак эди энди? Бошим котган, гаранг эдим. Агар хаммасини очик-сочик холда колдириб хонадан чиксам, мени кўриб қолишлари, хамма айбни менинг бўйнимга кўйишлари турган гап... Хозир чолнинг олдига бориб бор хакикатни айтаман-да, уни бу ерга бошлаб келаман, деб ўйладим; Тимоха бўйнига олмайди, чол гапимга ишонмайди – мен айбдор бўлиб қоламан. Яхшиси, хаммасини йигиштираман-да,

хонадан чикиб эшикни кулфлайман. Кейин Ивгага айтиб, кандай килиб буни отасига хабар килишни ўйлаб кўрамиз. Мен шундай хаёлга бориб, кўрка-писа сандик тепасига борим ва ундаги сочилиб ётган сўлкавойларни ҳам, ерга тўкилган пулларни ҳам йигиштириб копчикка солганимни биламан, ота-бола кириб келишди! Бутун уйни бошларига кўтариб бакира бошлашди! “Ўгри, Левко ўгри!” Мен худди мурдадай донг котган эдим! Шундан кейин нималар бўлди, улар мени нима килишди, ҳеч нимани эслолмайман!”

– Вой, Левко, худодан кўркамдингни? – деб бакириб юборди Ивга парда оркасидан югуриб чиқаркан. – Нега ахир буларни менга айтмадинг? Ўгрилик килмаганингни билганимда бунчалик азоб чекмаган бўлардим!.. – Киз шундай деб йигитнинг бўйнидан маҳкам кучоқлаб олди. У худди телба бўлиб колгандай ҳам йиглар, ҳам ўпар, ҳам хохолаб куларди!..

– Ие, каёқдан келиб колдинг? О, менинг асалим, о, менинг баликчам! – Левко ўзининг каерда ва кимнинг олдида турганлигини унутиб, нукул махбубасини эркаларди. Ивгани ҳеч хаёлига келмаган ерда учратганидан унинг кўнгли тогдай кўтарилган эди... Губернатор – раҳмат сенга! Губернатор йигит билан кизнинг бир-бирини навозиш билан эркалашларини кўриб, кўзига ёш калқди ва тескари ўгирилиб, рўмолчаси билан кўзларини артди.

Биринчи бўлиб Ивга эс-хушини йигиб олди ва губернаторга юзланиб деди:

– Жаноби олийлари (Ивга шаҳарда яшаб мансабдорларни кандай улуглашни билиб олган эди), кўз олдингизда ўпишишга журъат этганимиз учун бизни газабга олманг... Худо ҳақки! Мен шунақаям хурсандман, шунақаям хурсандманки... Левкони кўрганимнинг ўзи катта бахт; яна бир хурсанд бўлганим – у ўгри эмас экан, шунинг учунам сиз борлигингизни унутиб, нима килаётганимни билмай колдим.

– Парво килма, ҳечкиси йўқ, азизам! – дерди губернатор кўз ёшларини артаркан. – Ўзим ҳам мамнунман бу йигитда айб йўклигидан ва ҳақиқат ошкор бўлганидан. Лекин шу айтган гапларингнинг ҳаммаси ростимкин?

– Худо ҳақки, рост, худо ҳақки, рост! – деб Ивга Левкони химоя килишга тушди. – Ҳаммаси Левко айтгандай бўлган, у ҳеч ҳам ёлгон гапирмайди.

– Рост, таксир... афандим... жаноб пан... – деди Левко губернаторни нима деб улуглашни билолмай, нукул икки букилиб таъзим киларкан. – Сиздай улуг зотга мен ёлгон гапирармидим? Ахир подшо хазратлари сизга биздек хўрланганларни химоя килмокни буюрган-ку; кандай ёлгон гапирай сизга? Рост, факат рост гапни айтдим!

– Яхши, – деди губернатор, – унда нима учун исправникка, пул олганман, деб айтдинг, судда ҳам шунақа деганмидинг?

– Ҳаммаси бўхтон, ёлгон, чалкаш гаплар, пан олий... губернатор жаноблари, ҳаммаси ёлгон! – дерди Левко жон-жаҳд билан. – Мен исправникниям, суд килувчиларни ҳам ҳеч кўрмаганман, уларнинг афт-башараси канакалигиниям билмайман, ҳеч кўрмаганман, суд маҳкамасигаям кадам босмаганман. Боя айтдим: кандай килиб бўлисимизнинг “совукхона” сига тушиб колганимни билмайман, эслолмайман; у ерда очликдан сирилиб ўлаёздим. Мендан ҳеч ким ҳеч нима сўрамади, ўзим ҳам ҳеч кимни кўрмадим; мени совукхонадан кўлимни боглаб олиб чиқишди-да, шаҳарга, тўгри камокхонага олиб бориб тикишди. У ердан ҳеч каёкка чиқаришмади, судга ҳам олиб боришмади. Мени шаҳарга мирза кузатиб келган эди, у ҳамма гапдан хабардор. Ўша айтсин нима бўлганини...

– О, у айтади! – деб унинг гапини бўлди Ивга. – У йўқ ердаги гапларни тўкиб солади. Биласизми, жаноби олийлари, ўша мирза Левкони тириклайин ямламай ютмокчи бўлиб

юрибди, нимага десангиз, у менинг Левкогамас, унга эрга тегишимни хохлайди. Лекин овора бўлади. Менимас, шимилдирикни олади. Ха!

– Яхши, йигитча!—деди губернатор.— Сен судда хам исправникнинг, судьяларнинг юзига тик караб туриб, менга сўзлаб берган хамма гапингни айтасанми?

– Айтаман, шартта юзларига айтаман, пан жаноб... нима дейиш керак, Ивга?

– Жаноби олийлари, деб айт.

– Ха, ха, жаноб... Ивга айтгандай, кўркмай, хаммасини айтаман, нимагаки, мен хакман!

– Хўп, бўлмаса,— деди губернатор,— бораколинглар. Сен, яхши киз, яшаб турган жойингга бор, йигитни эса, кўлини ечинглар-да, эртагача полиция махкамасида сакланглар. Эртага сени палатада сўрок килишади, агар гапларинг рост чикса, сен, яхши киз, ўша ерда, палатада уни кафилликка олиб кетаверасан.

Ивга, унинг кетидан Левко губернаторнинг оёгига йикилишди ва дув-дув кўз ёш тўкиб, кайта-кайта миннатдорчилик билдира бошлашди, бизга кайта жон ато этди, деб худога шукроналар айта бошлашди.

Ивга Левконинг кўлидаги кишанни ҳеч кимга ечтирмади, ўзи кулфини очиб, кишанни ечди; кейин Левкони полиция махкамасигача кузатиб борди ва унинг ёнида бўлиб туриш учун рухсат хам олди. Бутун тун, то тонг отгунча, Левко билан Ивга одамлардан чеккан азобу укубатлар хакида бир-бирларига сўзлаб чикдилар; Левко химоя киладиган ва маслахат берадиган ҳеч кими бўлмаганидан зорланса, Ивга кимларнинг зугумидан изтироб чекканини сўзлади.

Эрталаб Левкони палатага олиб боришди, Ивга хам у билан бирга борди, караса, Тимоха хам ўша ерда сокчи назоратида ўтирибди; солдатлар уни милтик ўкталиб кўриклаб туришибди. Левко кеча губернаторга сўзлаб берганидай, бу ерда, палатадаги сўрок пайтида хам хамма бўлган воқеаларни аслида кандай бўлган бўлса шундай хикоя килиб берди. Лекин Тимоха (энди хушёр тортган эди) яна “ёлгон тўкишга” киришган эди, дархол Ивгани чакириб киришди, у шу захоти акасининг огзига уриб тўхтатди ва уни шундай ер билан яксон килдики, окибатда, у кеча губернаторга гапирганидек, хамма айбни бўйнига олди. Уни янада кўпрок сўрок кила бошлашди, ана шунда у бутун кингир килмишларини мирза билан улфат бўлиб олиб, сингисини унга эрга бермокчи бўлгани борми, Левкони биргаликда гум килмокчи бўлганлари борми – хаммасини очик гапириб берди. Мирза Тимоханинг ўз отаси сандигидан ўгирлаган пули эвазига, Левко хакида бир дунё бўхтон сўзларни ёзиб ташлаганди; суд килувчилар Левкони кўрмаган бўлсалар хам унинг устидан очилган ишга ўйлаб ўтирмай имзо чекишганди. Чунки бу одамлар ўз вазифаларини факат имзо чекишдан иборат деб билардилар, котибларнинг вазифаси эса, хукмномага ўзлари хохлаган гапларини ёзиб, судьяга кўл кўйдиришдан иборат эди. Бундан фойдаланган Тимоха бегунох одам – Левко устидан гийбатлар ёгдирганди!.. Тимоханинг хамма айтганларини ёзиб олишди ва ўзини камокхонага жўнатишди, Левкони эса озод килиб, кўйиб юборишди.

Ивга Левко билан бирга беканикига етиб келиб, эндигина кандай килиб уйларига етиб олиш, хўжаликни кандай тартибга солиш хакида маслахатлашмокчи бўлиб турган хам эдиларки, жандарм келиб, Ивгани губернатор чакираётганини айтди. Киз ҳеч нарсадан хавотирланмай, йўлга тушди ва тўгри губернаторнинг уйига кириб борди. “О, сен чиндан хам бало киз экансан,— деди унга губернатор,— югуриб-елиб, ахири кайлигингни Сибирдан олиб колдинг. Мана бу икки юз сўм пул сенга, буни акангни аскарликка ёллаган одамдан олдик. Акангнинг энди солдат бўлишдан бошка иложи колмади; у отангнинг пулларини ўгирлаб куритибди, сен бу пулни ол, никох тўйинг-га ишлатасан”,

Ивга губернаторга таъзим килди ва ёлбориб деди:

– Йўк, жаноби олийлари, бу пулни ололмаман. Кандай килиб мен акамнинг пулини олай? У ўзини шу пулга сотган, нима, энди мен тўйимни унинг пулига ўтказайми? Бу инсофдан эмас. Бу пулни акамнинг ўзи олсин, мухтожликка тушганида аскотиб қолади.

– Бўлмаса, кандай тўй киласизлар, кейин кандай кун кечирасанлар?– сўради губернатор.

– Бизнинг тўй етимлар тўйи бўлади,– деди Ивга,– ҳеч кандай сарпо-суруксиз, совга-саломсиз, тўяналарсиз... Коровай*** ўрнига оддий нон улашамиз. Кандай кун кечиришимизга келсак, мухтожликка чидаб, ишлаймиз, ҳаракат киламиз, рўзгорни тиклаймиз, у ёғига бизни худонинг ўзи кўллаб юборар, жаноби олийлари.

Левко ҳам губернаторга таъзим киларкан, Ивганинг гапини илиб кетди:

– Ҳа, тер тўкиб ишлаймиз, пул топамиз, пан жаноб... сизни улуглагандай.

– Баски, шундай қарорга келган экансизлар, унда гап бундай!– деди губернатор ва бугун уйига тўпланган меҳмонлар олдига кириб кетиб, салдан кейин қайтиб чиқди-да, Ивгага деди: “Мана бу уч юз йигирма сўмни сенга меҳмонларим беришди. Ол, тўйингга ишлатасан”.

– Йўк, мен буни ололмаман, жаноби олийлари! Олмаман ҳам, хохламайман ҳам,– деди Ивга таъзим килиб ва губернаторнинг пул узатган кўлини қайтариб.

– Нима учун олмаман?

– Олмаман дедимми, олмаман. Ахир кандай олай? Кишлогимизда мени губернияда бўлганимни ҳамма билади; ахир бир одам бир йил ишлаб ҳам топа олмайдиган шунча пул билан қайтсам, нима деб ўйлашади, бу чувринди киз шунча пулни қаёқдан олибди, дейиш-майдими? Мен тўғримда шунақанги гийбатлар, уйдирмалар тарқаладики, худони шохид килиб, юз минг марта чўкинсанг ҳам ишонтиролмаман уларни; одамларимизнинг табиати шунақа.

– Олавер, тентак киз; ахир эрга тегаяпсан. Сенга нима, гапиришса гапираверишин!

– Сиз мени тентак дейсизми, бошка дейсизми, деяверинг, барибир, олмаман, хатто бир коп пул берганингизда ҳам олмасдим, худо ҳақки. Менинг номус-орим ҳамма нарсадан азизроқ. Нима, эрга тегаман деб, пок номимдан воз кечайми? Менинг гард юкмаган номим ўзимгаям, эримга ҳам керак. Агар болалар бармоқлари билан мени кўрсатиб пичирлашса, кишлокнинг каттаю кичик фуқароси, шаҳарда озгина вақт бўлиб шунча пулни қандок топибдйкин, деб гийбат қилишса, холим нима кечади? Шунча пулни бир-икки ҳафта ичида ишлаб топиб бўлмади, ҳеч ким бунча пулни қарзга ҳам бермади; демак, панлар берган, нимага бергани маълум. Раҳмат, керакмас менга бундай шухрат! Ахир одамлар кўзига қаролмай қоламан-ку, бунақада!

– Оббо, кизи тушмагур-е! Балосан, бало!– деди губернатор.– Гапинг тўғри, сен тўғри мулоҳаза қилдинг. Одамлар ҳамма жойда: шаҳарда ҳам, кишлокда ҳам бир хил; бизнинг жамоамизда ҳам, сенларнинг ораларингда ҳам; бўлмаса, пулни қайлигингга берсам майлими?

– Хохласа олсин, хохламаса йўк. Хали унинг хотини эмасман, буйрук беролмайман.

– Демак, Левкога бераман, – деди губернатор.– Бу пулни у беайб қамокда ўтириб чиққани учун олади. Энди сен уйингга кетавер, йигитинг бу ерда қолади ва маъмур билан биргаликда бориб, уни сўроқ қилмай қамокхонага тиккан судьяларнинг айбини юзларига айтиб қолади, Яхши бор, “бало” киз!

– Яхши қолинг, жаноби олийлари! – деди Ивга.– Менинг никоҳдан ўтишимга оқ фотиҳа беринг: сиз менинг ҳам отамсиз, ҳам валинеъматимсиз! Сизнинг мурувватингизсиз

Левко жувонгмарг бўларди, мен хазон бўлардим! – Шундай деб Ивга, никох удумига кўра, уч марта губернаторнинг оёгига, бош уриб таъзим килди, унинг кўлидан ўпди ва хайрлашиб кетаркан деди: – Хамиша сог-саломат бўлинг! Бизга кўрсатган химматингиз, сизга худодан кайтсин! Илоё, сиз ҳам, фарзандларингиз ҳам биз учраган курук тухматларга учраманглар, ҳеч қачон худо сизларни судьяларга рўпара килмасин...– Шу гапдан кейин Ивга Левко билан бирга чикиб кетди.

Ивга энди нима килиш лозимлиги хақида Левко билан маслахатлашди ва унинг пулидан бир қисмини олиб, уй бекасига ижара хақини, олмайман, деса ҳам берди-да, арава ёллаб, ўз кишлогига жўнаб кетди.

Келса, отаси бошига тушган гам-ташвишдан ўлар холга келибди: ахир кизи уни ташлаб, ўгли пулларини ўгирлаб дом-дараксиз кетишган эди-да. Ивга ўзининг қаерларда, нима мақсадда бўлганини, нима ишлар қилганини, арзанда ўгил Тимоха Левкони қандай хароб қилишга чоғланганини, кейин ўзи губернияда не-не машаққатларни бошидан кечириб, ахири Левконинг бегунохлигини исботлаганини, Тимоха эса, отасининг сандигидан ўгирланган пулларни ичиб тугатгач, аскарликка ёлланганини– ҳамма-хаммасини сўзлаб берди.

– Баттар бўлсин!– деди ота.– Ўзим ҳам уни қайтиб келган захоти аскарликка бериб юбормоқчи бўлувдим. Зорини худога айтсин!

Ивга, Левко билан қандай қарорга келганини, хозир унинг нима мақсадда губернияда қолганини ҳам айтиб берди.

– Сиз, дада,– деди Ивга отасига,– Левко хақида ҳеч қимга ҳеч нима деманг, гўё сиз унинг дарагини эшитмагансиз.

– Яхши, кизим,– деди ота.– Хохлаган ишингларни қилинглар, ишкилиб мен ёнингларда бўлсам, ўлганимда қаровсиз қолмасам бўлгани.

Қаранг, шу қуни кечкурун кекса Макуханнинг уйига пан мирза бир тўда совчиларни бошлаб кириб келса бўладими, Ивгани ўзига унаштиргани. Мирза, биринчи навбатда, шундай гап бошлади: “Энди Левко адои тамом бўлди. Уни тутиб, тўппа-тўғри губернияга хайдаб кетишди; у ерда жаллод уни қамчи билан савалабди, кейин уни сургун қилишибди, бу ҳақда бизга, мана, хужжат ҳам келди”,– шундай деб у аллақандай қогозни, бу фармон, деб очиб кўрсатди. Кейин яна гапира бошлади: “Бинобарин, энди Ивга, Левко бўлмаганидан ке-йин, мендан бошқа қимга ҳам тегади. Шунинг учун, мана, совчилар билан келдим. Яқшанба қуни тўйни бошлаб юбораверамиз энди...”

– Вой, ордона, нотавон қўнгилга қўтир жомашов!– дед қинқирди Ивга ичкаридан ва қатта хонага отилиб чикиб, мирзага бақириб берди: – Йўқол, қасофат, қорангни ўчир уйимиздан! Мен сендақа аблаҳга нафакат бир оғиз илмик сўзимни, сасиган қовокни ҳам лойик кўрмайман. Дунёдан сўққабош бўлиб ўтасан. Одамларнинг қонини роса сўрдинг сен, яшшамагур! Сизларга бўлса, яхшилар, хо совчи бўлинг, хо бошқа, айтадиган гапим битта: бу ерда таомилимиздаги гапларни айтманг-у, яхшиликча, уйимиздан чикиб кетинг; агар чиқишга шошмасангиз, хозирок шамни ўчираман****, ана унда қоронгида худди ўғрилардай урилиб-қоқилиб зўрга йўл топасиз.

Нима қилсин совчилар? Қалпоқларини қийишди, таёқларини қўлга олишди. Пан мирза билан бирга уйдан отилиб чиқишди... икки қўлларини бурунларига тикиб! Кейин ура қочишди оёқларини қўлга олиб!

Эрталаб мирза сардор олдиға бориб, тулкидек айёрлик қила бошлади. Кеча Макуханнинг кизи Ивгадан ўзининг қандай қаттиқ танбех еганини айтмай, гапни бошқа ёққа бурди: “Пан сардор! Трофим Макуха қариб қолди, асранди ўгли сургун қилинди, ўгли

аллакаёкларда кочиби юрибди; хозир одамлар ўлпон тўлай бошлашди. Нима дейсиз, шу мункиллаб колган, ҳеч кими йўк чолни бир йилга ўлпон тўлашдан озод қилсак, савоб бўлмасмикин?

– Нима, мени лакиллатмоқчимисан?– деб бақирди унга сардор.– Биласан-ку, мен ноҳақликни ёқтирмайман! Мен сенларга аввалги сардор Евдоким эмасман, сенлар уни истаган кўйга солдиларинг, кўгирчок қилиб ўйнатдиларинг! Мен ҳамма ишни ўзим ҳал қилмоқчиман, сен бадбахт мирзанинг гапига қирибмас. Хозир одамларни ол-да, қария Макуханикига бориб, ундан ҳамма ўлпонларни тўла-тўқис тўлашни талаб қил. Борди-ю, пулим йўк деса, уйдаги ҳамма мол-давлатини тортиб олиб сот, хонавайрон қил! Ўзини совукхонага олиб бориб қама, эски удумимиз бўйича, устидан сув қуй, бўқиб ётаверсин... – Кизини уйда қолдирайми, рўзгорга қараб тургани?– сўради сардорнинг феълени яхши билган мирза айёрлик қилиб.

– Кўрсатаман сенга уйда қолдиришни!– деб ўдагайлади сардор.– Мен сенларга Евдоким эмасман, ўз билганларингча иш қилишларингга йўл қўймайман. Айтганимни қил: уни ушлаб, судраб кел, юбкасини, маржонларини пулла. Агар оёқ тираб туриб олса, сочини кесиб олиб сот. Мен унинг эсини қиритиб қўяман, иккинчи марта мирзаларга хушомад қилмайдиган бўлади. Билиб қўйсин қимлигимни! Мен сардорман, ҳеч ким менга “гинг” деёлмайди.

Мирзага айнан шундай буйруқ керак эди! У зумда гувоҳлар, баҳоловчилар, кўрикчиларни йигди! Улар Макуханикига худди қора булутдай бостириб боришди ва шу захоти сандикларни бузиб очиб, ҳамма топилган молларни сотмоқчи бўлишди... Лекин Ивга шу захоти мирза ўлпон учун талаб қилган пулларни бекаму кўст қўлига тутқазди. Ўлпонлар сон мингта эди: йўл ўлпони, кўприқлар ўлпони, қоровуллар учун, совукхонада ёкиладиган (аслида ҳеч қачон ёқилмаган) шамлар учун ўлпон... Ивга мирзага у айтган ҳамма ўлпонларни тўлади, шунда мирзанинг энсасини қашиб, одамлари билан чиқиб кетишдан ўзга иложи қолмади.

Мирзанинг адабини берган Ивга энди ҳеч нимадан кўркмасди. Бу пайт Левко билан қелишилган вақт ҳам яқинлашиб қолган эди. Ивга шоша-пиша урни тартибга қелтира бошлади: деворларни оқлади, столлар ва ўтиргичларни қиртишлаб ювди, товук ва ўрдақлар сотиб олди (ўзларида борини Тимоха қуритган эди), уларни сўйиб, патларини юлди, тозалаб пиширди, ҳамир қориб угра қесди, нон ёпди... Иш қизигандан қизиди! Жума қуни ясашиб олиб, таниш-билиш эрқагу аёлларни, тўйга бирга бўлишга, қимларнидир совчилик қилишга, қимларнидир тўйни бошқаришга, бўйдоқ йигитларни қуёв жўраликка тақлиф қилди; яна қуда-андақларни, янғалик қилувчиларни, хуллас, қишлоқнинг барча хурматли ва мўътабар қишлоқларини тўйга айтди.

“Қимга турмушга қикаяпсан”, деб сўраганларнинг ҳаммасига у “Левкога” деб жавоб қилаверди.

“Вой тавба, бу қаяқдаю, қуёв қаяқда! Ахир уни сургун қилишган-у!” дейишарди мирзанинг гапини эшитган одамлар.

– Нима бўлса бўлди,– дерди Ивга,– лекин сиз, амақижон, сиз, холақон, яхшилаб ўтқазиб беринг мен етимчанинг тўйини.

Одамлар бўлса, елкаларини учиритиб, мийигларида қулишаркан: “Бу Ивга тушмагурнинг эси оғиб қолмадикин мабодо?– деб ўйлашарди.– Эрга тегмоқчи-ю, қайлиги бир тупқанинг тагида сургунда. Майли, кўрайлик-чи, қанча асал қикаркин бу пиводан!” Шанба қуни Ивга қоровой ёпувчи қонвой хотинларни ҳамир қоргани йигди: қонвой хотинлар ёқимли қўшиқлар айтиб, ҳамир қора бошқадилар; бўғирсоқсимон қулчалар

ясашганда хам кўшик айтиб туришди ва кадимги удумга амал килишиб, хамирни кўйниларига яширишди; скрипкачилар мусика чалишди, уларни ўқтин-ўқтин арак билан сийлаб туришди; кария Макуха тартибни кузатиб турди, лекин Левко хакида сўраганларга “чурк” этиб хам жавоб килмади. Мана, хамир хам тайёр бўлди, нонвой хотинлар тўйбошидан ок фотиха сўрашди ва коровойни ясаб, тагига сули донини сепишди, ярим танга пул хам кўйишди, устига хамирдан ясалган хоч ёткизишди, яна бир-бири билан ўпишиб турган ўрдакчаларниям чиройли килиб ясаб кўйишди. Мана, печ кизиб тайёр бўлди, коровайни авайлаб узун дас-тали куракка кўйишди, шунда тўйбоши фотихани бошлади:

- Ё парвардигор ўгли бўлмиш Исо Масих, ўзинг ёрлака!
- Омин!– деб кичкирди совчиликка тайинланган икки киши.
- Омин учун рахмат, пан оксоколлар.
- Биз дуони эшитишдан хурсандмиз.
- Ушбу халол ва мўътабар нонни печга кўйиш учун ок фотиха беринглар.
- Худо мархаматига олсин!
- Иккинчи марта.
- Худо мархаматига олсин!
- Учинчи марта.
- Уч карра бир йўла, худо мархаматига олсин!

Шундан кейин аёллар ўзлари бажарган амалга монанд ёкимли кўшик айтишди, тўйбоши эса, куракка кўйилган коровойни печга тикди; печ огзини шу захоти копкок билан ёпиб кўйдилар; зарурат тугилгудек бўлса афсун ўқий оладиган иккита жувон хеч ким печга якин йўламасин, печ ичига тикилиб карамасин (ёмон кўздан асраш максидида), деб печ ёнида ўтириб олди; агар шундай холатни пайкаб колишса, улар дархол пичирлаб афсун ўқишлари ва чап елкалари оша тупиришлари керак эди.

Кейин тўйбоши коровайдан колган хамирни олиб, унинг устига тўртта шам ўрнатди-да, уларни ёқди, хамирни тогора билан ёпди, ўз ёрдамчиси ва яна иккита йигит билан хамирни кўтариб олиб кўшик айтганча хона ичида айланиб юра бошладилар:

“Печка акка-бакка югурар,
Тогорада хамир корилар,
Печка жоним, сендан айланай,
Ёпиб берган бизга коровай!”

Кўшик тугагач, хамирни уч маротаба шифтга урдилар ва уч марта жуфт-жуфт бўлиб ўпишиб, яна кўшик айтиб, уйдагиларни арак билан сийлай бошладилар. Мусика коровай нон печга кўйилгандан бошлаб, тинмай жон-жаҳд билан Дербент маршини чалиб турди. Одамларни айтинг! Ховли тўла одам, улар деразалардан мўралашиб томоша килиб туришибди...

Гарчи хамма мехмонлар тартиб саклаётган ва узатилган аракдан бош товламаётган бўлса хам, барибир, ўзи бу киз кимга тегмокчи, мунча куйиб-пишиб тўй тадоригини кўрмаса, ахир куёв йўк-ку, балки у аллакачон Сибирга хам етиб олгандир, деб истехзо килишни кўймасдилар. Хатто Ивга билан кўчама-кўча юриб, куёв бола Левко хакида кўшик айтаётган якин дугоналари хам ўзаро хиринглаб кулиб кўярдилар. Кизлар тўдасига рўпара келган баъзи одамлар хаммадан оркада кетаётган киздан: “Нима, куёв келдими?” деб сўрар, кизлар эса: “Ха, йўк, худо билади качон келишини...”, дер ва

хандон ташлаб кулиб, дугоналари оркасидан югурдилар.

Мана, сочларини ёйиб (онаси йўк етимча бўлгани учун), бошига ленталар, гулчамбарлар, бўйнига кахрабо маржонлар, хочлар, тилла тангаларни такиб, дугоналари олдида худди маликалардай савлат тўкиб келаётган Ивгани пан мирза кўрди!.. Кўрдию... юраги така-пука бўла бошлади.. Шу захоти у Ивганинг кайфиятини бузишга чоғланди – зора шунда бу киз менга тегишга рози бўлса деб! У сардорнинг олдига югуриб борди, унинг жигига қандай тегишни биларди муттаҳам. Сардор унинг гапини эшитар-эшитмас бўкириб берди: “Сен Макухани химоя килма! Биламан, Левко кочган, улар уни яшириб кўйишган. Бор, хаммаёкни агдар-тўнтар кил. Агар Левко топилмаса, чолниям кизиним хибсга олиб, совукхонага кама. Мен сенларга Евдоким эмасман, мени кўгирчок килиб ўйнатишларига йўл кўймайман, ўзларингча иш кўришларингга хам рухсат бермайман, факат мен айтгандай килинглар!”

Ивга дугоналари билан уйга кайтди. Энди вакил ота, вакил оналарни дастурхонга таклиф килиб, кўшик айтиб, тўйни бошлаб юборса хам бўларди. Лекин куёв йўк! Мехмонлар олазарақ бўлиб хамма ёкка қарай бошладилар, пикирлаб кулишади, кани буёғи кандок бўлдаркин, деб кутишди, аммо Ивганинг парвойи фалак: лабидан табассум аримайди, шўх-шўх гаплашади, хамма ерда хозиру нозир, ҳеч бир тайёргарлик унинг назаридан четда колмайди. Мана, ниҳоят, у дугоналарини дастурхон атрофига ўтказиб, тўйни бошламокчи бўлди... Лекин шу пайт бирдан пан мирза ўзининг одамлари билан куюндай бостириб кириб келса бўладими: “Кани кочок Левколари?” деб бакирди у. Ивга хушчакчак. У дарров мирзанинг олдига югуриб келиб, деди: “Хотиржам бўлинг, пан мирза, у хозир етиб келади. Сиз тўйимизга бирга бўлинг, нону намагимиздан хазар килманг!”

– Сизлар жиноятчисизлар!– деб бакирди мирза.– Кочокларни яширяпсизлар! Ўнбошилар! Кани, бошланглари кидирувни, хамма буюмларини кўчага улоктиринг, синдириг, хамма ёкни ковлаштиринг, топинг ўгрини. Кўрсатиб кўяман сенларга тўй канака бўлишини! Даставвал чолни хибсга олинг, кизи билан кўшиб махкамага олиб боринг; сочидаги, бошидаги ленталару гулларни юлиб ташланг; у камокда бўлади, то Левко топилмагунча...

– Мана, мен топилдим, кидирмай кўяколинглари!– деди мирзанинг оркасида турган кимдир...

Каранг!... Левко-ку! Ха, Левконинг ўзгинаси, кадди-басти келишган, азамат, ўктам Левко; у худди бойваччалардек кийинган: эгнига мовут чопон кийиб, белига кирмизи белбоғ боғлаган; бошига чўккиси кип-кизил кулранг калпок кийган; белбоғига эса катта-катта гулли кизил шохи рўмол кистирилган,– бунака рўмолни кишлок ахли умрида кўрмаган. Ана шу азамат йигит кўлларини белига тираб мирзанинг каршисида тураркан, деди: “Мен нега керак бўлиб колдим сизга, пан мирза? Мана шу ердан!”

– Уш... уш... ушланглари уни!– деёлди мирза зўрга, чунки у аллақачон Сибирда деб хисоблаган Левконинг бирдан рўпарасида пайдо бўлганидан кўриб кетган эди!– Ушланглари уни,– деб кичкирди у яна,– дархол кундага солинглари! У ўгри, фирибгар, Сибирдан кочиб келибди...

– Бекорларни айтибсан, бадбахт!– деб кичкирди унинг оркасида турган аллаким... Ие, бу энди ким бўлди? Ха-а, губернатор юборган маъмур-ку!..– Бу аблахни хибсга олинглари! Унинг ўзини бошқалар учун казиган чуқурга олиб бориб ташланглари! Маъмур шу захоти одамлардан Левко хақида сўрай бошлади... Одамлар бир овоздан, Левконинг ҳеч қандай ёмон иллоти йўклигини, мирзага хам худди шундай деб

таърифлашганини, лекин мирза хабарномага нима деб ёзганлигини билмасликларини айтишди... Хуллас, гапни чўзишдан на хожат? Маъмур шу сўрок пайтида хамма нарсани: мирзанинг котиблар билан тил бириктириб, Левко ишини чалкаштириб юборганини, ундан ташкари, сардорни пеш килиб, бўлис ахолисини шилганини хам аниклади. Хеч бир ишни билмайдиган, бошвоги мирзанинг кўлида бўлган, аммо нукул: “Мен сенларга аввалги сардор Евдоким эмасман!”– дейишдан бошка гапни билмайдиган, сардор хам жазодан курук колмади.

Маъмур сўрокни тугатгач Левко билан Ивгага: “Энди бемалол бошлайверинглар тўйни, мен шахарга бориб, буларни сўрок киламан...”, деди ва жўнаб кетди.

Шу захоти тўй бошланиб кетди. Дугоналар “ёр-ёр” айтишди, мусика янгради, яхши одамлар калахлар кўтаришди. Ичарканлар, бўшаган кадахни пешоналарига кўндиришар ва нукул Ивганинг кандай килиб губернияга бориб, панлар билан, хаттоки губернаторнинг ўзи билан гаплашишга журъат этиб, Левкони фалокатдан озод килганига хайрон колишарди. Кекса Макуха кариялар даврасида ўтириб, хамма бўлиб ўтган ишлар хакида хикоя килар, кариялар бўлса, лаблари билан тамшаниб кўйиб: “Ха, губернатор кизингни бекорга “бало киз” деб айтмаган, рост, рост!” дердилар: Эртаси куни келин билан куёвни иззат-икром билан ажойиб сов-галар билан кутлаб, никох ўкитишди ва шундай дангиллама тўй-томоша бошлашдики, таърифга сигмайди. Уч кун сурункасига эсларини йўкотгунча мирикиб ичишди. Тўйда ёшар турна, айик, жухуд киз бўлиб кийиниб чикишди, яна лўли хотинлар, турклар, бошкача тоифадаги одамлар бўлиб хам даврага чикишди – булар хаммаси энг огир мусибатларни бархам топтириб, кўзлаган ниятига эришган “бало” кизга бўлган хурмат-эхтиром белгиси эди. Ёш келин-куёвга такдим этилаётган совгаларнинг кети узилмасди! Тўйбоши, ўз вазифасига кўра, даврага совга кўтариб чиккан турфа хил жонворларга ўхшатма килиб кичкираверганидан овози бўгилиб колди...

У ёкда мирзадан пора олиб, Левконинг ишини айкаш-уйкаш килиб юборган котиблар хам адабини ейишди. Исправник хам, суд килувчилар хам жазоларини олишди; улар котиблар келтирган хужжатларда нималар ёзилганини ўкимамай имзо чекиш билан судьялик вазифасини бажарган, тешиккулчаларни ютокиб огзига тиккан, беайб одамларнинг бошига кандай мушкул савдолар тушганини билишни хам хохламаган судьядан хам еганлари тешиб чикди. Буларнинг хаммасини “бало” киз деб ном олган Ивга килди; у хамма яхши одамларнинг мушкулени осон килди...

Совукхонага камалган мирза Левконинг тўйида яхши одамлар кандай яйраб кулаётганини эшитиб ва “бало” кизга уйланолмаганидан ичини ит тирнаб нукул сочини юларди. Кейин у ўзи Левкони жўнатмокчи бўлган йўлдан узок Сибирга равона бўлди. Нукул, “Мен сенларга Евдоким эмасман”, деб керилувчи ва ўзи мустакил бирон ишни эплай олмайдиган сардорни ишдан олиб, ўрнига бошка одамни сайлашди.

Энди бизнинг ёш келин-куёвга келсак, рохатда, фарогатда кун кечира бошладилар. Ивга яна тежамкорлик билан иш юрита бошлади: шахарда унга торттик килинган пулларнинг хамасини тўйга сарфламади; тўй маросимини тугатгач, у Левко билан биргаликда хўжаликни тиклашга киришди. Бузилган, ўгирланган, талон-тарож килинган буюмлар ўрнига янгиларини сотиб олдилар, яна карвонсаройни очиб, ўткинчи мехмонларни кабул кила бошладилар, рўзгорда тартиб ўрнатилди. Кария Макуха хам хурсанд: у тинч-осуда, иззат-эхтиромда, егани олдида, емагани кетида бўлиб яшай бошлади. Хўш, Ивга-чи? Энди унинг бошида эри бор, у бахтли жувон – болалари багрида ва хануз хамма уни “бало” киз деб чакиради.

Рус тилидан Кодир Мирмухамедов таржимаси

* И с п р а в н и к – Чор Россиясида уезд полицияси бошлиги.

** Ц и м б а л – чангга ўхшаган чолгу асбоби.

*** Коровай никох тўйида зарур бўлган алохида шаклда ёпиладиган нон. Никохга келганлар олдида катта дабдаба билан олиб кирилади.

**** Ш а м н и ў ч и р и ш – куёвга бериладиган энг тахкирли рад жавоби.